Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

7 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА № 195 (690).
Сотувда эркин нархда. 1993 йил.

ТОШКЕНТДА РЕСПУБЛИКА МОРФОЛОГЛАРИНИНГ БИРИНЧИ ҚУРУЛТОЙИ ОЧИЛДИ

УНДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЎПГИНА ШАҲАРЛАРИДАН, ҚОЗОҒИСТОН ВА ТОЖИКИСТОИДАН, МОСКВА, САНКТ-НЕТЕРБУРГНИНГ ИЛМИЙ МАРКАЗЛАРИДАИ КЕЛГАН ОЛИМЛАР ВА МУТАХАССИСЛАР ҚАТНАШМОҚДА

Қурултойда кўп олим ва мутахассисларнинг иштирок этиши бу ерда муҳокама қилинаётган муаммоларнинг долзарблиги ҳамда тиббий тадқиқотларнинг шу соҳасини ривожлантиришга Ўзбекистон олимлари қўшган ҳисса эътироф этилиши билан боғлиқ.

Қурултой Тошкентдаги биринчи тиббиёт институтида ўтмоқда. Бу ерда 70 йил муқаддам дастлабки морфология кафедраси тузилган эди. Ҳозир республика тиббиёт институтларида 20 дан ортиқ кафедра ишлаб турибди. Илмий-тадқиқот институтларида эса ўнлаб лабораториялар ташкил этилган бўлиб, уларда тиббиёт фани мазкур соҳасининг турли жиҳатлари юзасидан фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистонда морфология мактаби яратилган. Бу мактаб олимлари ишлаб чиққан кўпгина янгиликлар тиббиётда муваффақиятли қўлланилмоқда ва республикадан ташқарида ҳам машҳур. Тошкентдаги биринчи давлат тиббиёт институтидаги гистология кафедраси ҳузурида ташкил этилган биофизика илмий-тадқиқот лабораторияси Марказий Осиё республикалари ва бошқа давлатлар учун махсус ходимлар тайёрлашнинг ўқув-услубий маркази бўлиб қолди. Ўзбек олимлари МДҲ мамлакатлари, шунингдек Болгария, Германия, Чехия, Словакия, Венгрия, Мўғулистондаги етакчи илмий марказлар билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйган.

Қурултой қатнашчилари тиббиёт олий ўқув юртларида морфолог мутахассислар тайёрлаш, миллий тилларда янги ўқув-услубий қўлланмалар чиқариш муаммоларини муҳокама қилади. Қурултой уч кун давом этиб, унда Ўзбекистон ва Маркадий Осиё морфологлари мувофиқлаштириш кенгаши сайланади, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги морфологларининг уюшмаси таъсис этилади.

(ЎзА мухбири).



Самарқандда умумий саломатликни сақлаш бўйича иккинчи Бутунжаҳон анжуманига бағишланган халқаро конференция иш бошлади. Унда 30 дан ортиқ мамлакатдан келган 200 нафар олим ва мутахассислар иштирок этмоқда.

Конференция ташкилотчилари — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимияти, Самарқанд давлат тиббиёт институти, Халқаро тиббиёт фанлари академияси, Халқаро тиббиёт фанлари академиясининг Ўзбекистон бўлими.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққан нотиқлар республика ҳукуматининг олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатини маъқуллаб, вилоятнинг иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари хусусида сўз юритдилар. Фаоллар йиғилишида вилоят ижтимоий-иқтисодий соҳаларини ривожлантириш бўйича аниқ тадбирлар белгиланди.

М. МАРДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Бизнинг истиқлол ва тараққиёт йўлимиз республиканинг ўзига хос турмуш тарзини, шарт-шароитлари ва хусусиятларини, халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланган».

Ислом КАРИМОВ.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

НАВОИйда вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими А. Айдарқулов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XIII сессияси якунлари ва Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққан нотиқлар республика ҳукуматининг олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатини маъқуллаб, вилоятнинг иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари хусусида сўз юритдилар. Фаоллар йиғилишида вилоят ижтимоий-иқтисодий соҳаларини ривожлантириш бўйича аниқ тадбирлар белгиланди.

М. МАРДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фарғонанинг олис тоғ қишлоғи



МОЗИИГА ҚАЙТИБ...

Мустақил Ўзбекистонимизнинг харитасига нигоҳ ташлаганмисиз? Агар эътибор бермаган бўлсангиз, бутун дунёга юз тутаётган, истиқлол туфайли жаҳонда обрў-эътибор топаётган Турон заминининг бош вориси — Ўзбекистонимиз манзарасига яна бир кўз ташланг. Марказий Осиёнинг фахри бўлган Ўзбекистон харитада гўё йирик марварид шодасини эслатади. Ана шу шодадан икки дур узилиб оқиб тушаётгандай манзара беихтиёр назарингизни тортади. Ҳақиқатан ҳам бу ўхшатишлар бежиз эмас. Чунки ана шу шодадан ажраган дурдоналар юртимизнинг энг гўзал, энг қўҳли масканлари Сўх ва Шоҳимардон воҳаларидир. Ҳар икки воҳа ҳам Фарғона дурдонасининг ҳеч нимага алишмайдиган гўзалликда беқиёс, такрорланмас безакларидир.

Биз қуйида Ўрта аср Шарқининг буюк алломаси, қадим Ҳиндистонда бутун дунёга довруғи кетган, азим давлатни ташкил этган бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг асаридан олинган сўзларни беҳудага ишлатганимиз йўқ. Чунки биз ҳикоя қилмоқчи бўлган заминда буюк бобомизнинг юртимиз сарҳадидаги сўнгги излари қолган. Ҳозир ҳам Сўх ва Ҳушёр қишлоқларида бўлсангиз, одамлар фахр ва ифтихор, ғурур билан мана шу кўчалардан Бобур ўтган, мана шу тошларда Бобурнинг излари қолган, мана шу ариқлардан улуғ бобокалонимиз сув ичган, деб ҳикоя қилишади. Бундай манзилларнинг тарихий ҳақиқатга нақадар яқинлиги билан ҳеч ким қизиқмайди. Чунки улуғ бобомизни ҳар ким ўзига ҳамқишлоқ, ҳамюрт деб билади. Ҳозирги кунда ҳам тарихимизнинг сирли воқеаларидан бири бўлган — «Олтин бешик» воқеаси ҳам бевосита мана шу тоғлар орасидаги қишлоқлар номи билан чамбарчас боғлиқ.

Бобурнинг юртимиздаги сўнгги кунлари айнан Сўх ва Ҳушёр қишлоқларида кечганлиги эса тарихий ҳақиқат. У замона зайлидан, бойлар, амалдорлар, яқинлари фитнасидан безиб, сўнгги бор қорли довондан Фарғона водийсига назар ташлаб, олис Афғонистонга, Ҳиндистонга йўл олган эди.

Сўх воҳасининг тарихи юртимиз ўтмишидаги ғоят зиддиятли шахслардан яна бири — Қўқон хонлигининг сўнгги ҳукмдори Худоёрхон номи билан ҳам бевосита боғлиқ. Худоёрхоннинг отаси Шералихон тахтдан четланган сўнг бир оз муддат Сўх дарёсининг юқори қисмидаги Равут, Саритала, Авғул қишлоқларида яшириниб юрганлиги ҳақидаги ривоятларни тарихчилар бот-бот эслашиб юришади. Ўша йилларда мана шу олис тоғ қишлоқларида Худоёрхон дунёга келган экан. Биз буни тарихий ҳақиқат эканлиги ҳақида баҳслашмоқчи эмасмиз.

«Муҳаммад Шайбонийхон Султон Маҳмудхон билан Оличахонга шикаст бериб, Тошканд ва Шоҳруҳияни олгон маҳалда ушбу Сўз била Ҳушёр иўхловларига келиб, бир йилга ёвуқ тақиқлик билан ўтқарилб, Кобул азимати қилдим... Мусмир дарахтини бисёрдир, аала боғчаларида аксар бодом дарахтидур. Эли тамом сорт ва хўйлидир».

«БОБУРНОМА»ДАН.

(Давоми 3-бетда).

Ҳамкорлик робиталари

«ЎЗ-КОР» ДОИРАНИ КЕНГАЙТИРЯПТИ

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига тезроқ қўшилиши учун фақат Ғарб мамлакатлари билан эмас, бошқа минтақалардаги иқтисодий тараққиётда катта ютуқларга эришган давлатлар билан ҳам самарали ҳамкорлик қилиши зарур. Корея Республикаси ана шундай давлатлардан биридир. Ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш, халқларни бир-бирига яқинлаштириш мақсадида «Ўзбекистон — Корея» («Ўз-Кор») жамияти тузилган ва у фаол ишламоқда.

Жамият олдидаги асосий вазифалар нималардан иборат, амалий ишларда рўёбга чиқадиган аниқ лойиҳалар борми! Республика Миллий ахборот агентлиги мухбирининг бу саволига «Ўз-Кор» бош директори Ойбек Аъзамов жавоб қайтарди.

— Биз Ўзбекистон билан Корея Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси, шунингдек жаҳоннинг бошқа мамлакатларида яшайдиган корейслар ўртасида иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришни асосий мақсад, деб биламиз. Бу тасодиф эмас. Чунки Республикамизда бу меҳнаткаш халқнинг ўн минглаб вакиллари яшайди.

Жанубий Кореяда ҳам ҳудди шундай жамият тузилиб, унга «Кор—Ўз» номи берилгани диққатга сазовор. Жамиятнинг директорлар кенгашига 23 та йирик фирманинг, жумладан, «Самсунг», «Хендай» ва бошқа фирмаларнинг вакиллари кирган. Бу иккала жамият ташкил этилганидан сўнг ўтган вақт жуда самарали бўлди. Ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Ҳозир аниқ иш-лар билан шуғулланадиган қўшма экспертлар гуруҳини тузиш лойиҳаси кўриб чиқилмоқда. Хусусан, Ўзбекистоннинг қайта ишлаш саноатига 50 миллион Америка доллари миқдорида сармоя сарфлаш кўзда тутилган.

Қўшма корхоналар барпо этишга алоқида эътибор берилаётгани табиийдир. Шундай корхоналардан бири — телевизорлар ишлаб чиқарадиган завод Бухорода маҳсулот чиқара бошлади. Ишга тушириладиган навбатдаги ҳамкорлик маҳсули — пахтани қайта ишлаб, кенг истеъмол моллари тайёрлайдиган қўшма корхонадир.

Октябрнинг ўрталарида иқтисодий ва маданий ҳамкорлик масалаларини ўрганиш учун Жанубий Корея бизнесчилари катта делегациясининг Ўзбекистон пойтахтига келиши режалаштирилмоқда.

Ҳозир сайёҳлик фирмаси билан алоқа масалаларини ўрганаяпмиз, бу фирма сайёҳатчиларни юборади ва қабул қилади, дори-дармонлар, спорт ва дам олишда зарур бўладиган анжомлар билан савдо қиладиган дўкон очишга тайёр. Хуллас, республикамиздаги Жанубий Корея билан ҳамкорлик масалаларига қизиқувчилар 77—12—90 ва 77—13—51 рақамли телефонлар орқали жамиятимизга қўнғироқ қилиб ўзларини қизиқтираётган саволларга жавоб олишлари мумкин.

Маданий алоқалар тўғрисида гапирадиган бўлсак, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан аҳдномага мувофиқ яқин орада Тошкент билан Сеул ўртасида самолёт қатнови бошланади. Иқтисодиёт соҳасида самарали ҳамкорлик қилиш учун бир-биримизни яхшироқ билиб олишимиз керак. «Ўзбекистон — Корея» жамияти айни шу олижаноб мақсадга хизмат қилади.

(ЎзА мухбири).

САМОЛЁТ ИЧИДА... ТАШРИХ

Бу муболаға эмас: замонавий асбоблар билан жиҳозланган кўзни операция қилиш хонаси бевосита самолёт ичида жойлашган. Унда ишлайдиган тажрибали кўз жарроҳлари, анестезиологлар ва тиббий ҳамширалар АҚШдаги «Орбис интернейшнл» халқаро ҳайрия ташкилотининг вакилларидир. Улар республикамиз шифокорларига ёрдам бериш, ўзбекистонлик касбдошларига ноёб ташрихлар ўтказишни ўргатиш мақсадида Тошкентга келдилар.

«Орбис»нинг бундай кенг кўламли лойиҳалари ҳозиргача жаҳондаги 60 дан ортиқ мамлакатда амалга оширилган. Хусусий кишилар ва фирмаларнинг ихтиёрий равишда ажратган хайрияларн ҳамда давлат ёрдами ҳисобига ишлайдиган бу ташкилот қаерда хайрия тадбирларини амалга оширса, ўша ерда одамийлик ёрдами кўрсатади. Бу ташкилотнинг Гонконгда, Лондонда, Хьюстонда ваколатхоналари бор. Америка авиакомпанияси бу ташкилотга тиббий мақсадлар учун махсус самолёт ажратган.

Унда кўчма шифохона жиҳозланган. Бу ерда даволаш ва муолажа хизматлари, шунингдек микрожарроҳлик, лазер ва ультра товуш аппаратлари ўрнатилган ташрих хонаси мавжуд. «Орбис интернейшнл» шифокорлари Ўзбекистонга келган кунларнёқ шу самолётда бемор кўзини даволаш юзасидан жуда мураккаб ташрих ўтказдилар.

— АҚШдан келган тажрибали кўз жарроҳлари беморларни қабул қилиш ва даволаш билан бир вақтда Ўзбекистоннинг кўп вилоятларидан малака ошириш ҳамда даволашнинг энг янги усулларини билан таништириш учун келган қишлоқ шифокорларига тажриба ўргатмоқдалар, — деди Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги кўз касалликлари шифохонасининг бош шифокори К. Валиева. — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси шу мақсад учун махсус аэробус ажратди. Унинг ичида мажлислар зали барпо этилди. Бу ерга ўрнатилган мониторлар америкалик мутахассислар ўз шифохонасида ўтказаётган ташрих — операцияни кўриб туриш имконини беради. «Орбис» вакиллари Ўзбекистон шифокорлари учун туркум лекциялар ҳам ташкил этдилар. «Орбис интернейшнл»нинг ҳайрия тадбири даврли бир ой давом этади. Шу вақт ичида мингдан ортиқ шифокорларнинг ва 500 га яқин ҳамшираларнинг тажриба ўрганиши режалаштирилмоқда.

Л. СТРУННИКОВА,
ЎзА мухбири.

КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР-КЕНГАШ

Шўрчи туманида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорат қўмитаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда семинар-кенгаш ўтказилди.

Унга Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан деҳқон-фермер хўжаликлари фаолиятига дахлдор бўлган раҳбарлар ва мутахассислар таклиф этилди. Анжуман иштирокчилари дастлаб Ангор туманида суғориладиган майдонлардан олинаднган даромадни ошириш имкониятларини ўрганишди. Сўнг Музработдон маҳсулотлари корхонаси қошидаги бўрдоқичиликка ихтисослашган ёрдамчи хўжалик иши билан танишдилар.

Ж. Хўжамёров номли жамоа хўжалиги деҳқон-фермер хўжаликлари Шўрчи туманининг таянч хўжаликларидан бири ҳисобланади. Меҳмонлар аввало Тўра Жўраевнинг фермер хўжалигини кўрдилар. Зокир Маматқўзиевнинг фермер хўжалигида эса қизғин баҳслар бўлиб ўтди. Туман ҳокими Эшболта Шерматов деҳқон-фермер хўжаликларини тузишнинг зарурияти, фақат шу йўл билангина чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мумкинлиги, бу масалада яқинда Туркияда кўриб келган ажойиб тафсилотлари ҳақида мароқли ҳикоя қилиб берди.

«Турон» қорамолчилик фермасида ўзи арзон турадиган ва кам ёқилги сарфлайдиган «Дўстлик» деган трактор, бундан ташқари деҳқон-фермер хўжаликларида ишлатилиши мўлжалланган турли буюм ва жиҳозлар кўргазмаси намойиш этилди. «Малла-бобо», «Комил» номли фермер хўжаликларида ҳам молларинг боқилиши, чорвадорлар эришаётган натижалар кенгаш иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Семинар иштирокчиларида Олтинсой районидаги тажрибали чорвадор Р. Абраев раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги катта таассурот қолдирди. Бу ерда 167 та қорамол, 600 қўй, 16 йилқи боқилмоқда. Хўжалик даплатга 76 тонна гўшт топширишни режалаштирган. Ана шунча молни боқиш учун 23 гектар озуқа майдони ажратилган.

Т. РАЗЗОҚ.
Ўз мухбиримиз.

Оқ олтин - 93

ПАХТА ТАИЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1993 ЙИЛ 6 ОКТЯБРГА ҚАДАР ВУЛГАН МАЪЛУМОТ

Вилоятлар	Режадагига нисбатан фоиз ҳисобида: Жами — Бир кунда	Жами — Мавсум бошидан	Жумладан машина терими — Бир кунда	Жумладан машина терими — Мавсум бошидан
Қорақалпоғистон Республикаси	3.09	45.55	2.68	26.01
Андижон	0.16	28.47	0.07	2.64
Бухоро	3.44	56.27	1.35	11.22
Жиззах	0.30	5.77	0.17	3.38
Қашқадарё	3.40	37.43	3.51	24.41
Навоий	3.26	28.00	1.58	6.89
Наманган	0.51	17.00	0.01	2.20
Самарқанд	1.09	12.70	0.32	1.74
Сурхондарё	2.39	57.82	2.13	29.57
Сирдарё	0.14	3.67	0.00	0.13
Тошкент	0.16	8.68	0.04	0.93
Фарғона	0.24	32.47	0.08	3.29
Хоразм	2.95	65.06	0.67	3.99
Ўзбекистон Республикаси бўйича	**1.60**	**31.67**	**1.00**	**9.81**
1992 йилнинг шу кунида	1.70	17.62	0.96	5.28
Шу жумладан янгича		толали пахта		
Андижон	0.00	0.00	0.00	0.00
Бухоро	0.00	0.00	0.00	0.00
Қашқадарё	1.55	8.33	0.00	0.00
Навоий	0.00	0.00	0.00	0.00
Наманган	0.00	4.95	0.00	0.00
Сурхондарё	2.93	44.39	0.00	0.00
Ўзбекистон Республикаси бўйича	**2.59**	**35.76**	**0.00**	**0.00**
1992 йилнинг шу кунида	1.33	14.84	0.00	0.00

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

6 октябрь куни Тошкентда «Ўзбекистонда ўтиш даврининг қонуний ва демократик жиҳатлари» мавзуидаги халқаро семинар иш бошлади.

Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки билан жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети ҳамкорликда ташкил этган ушбу халқаро анжуманда республикамиз вакилларидан ташқари, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Буюк Британия, Швейцария ва бошқа хорижий мамлакатлардан сиёсатшунослар, халқаро ҳуқуқ соҳаси мутахассислари, банк ходимлари иштирок этмоқда.

Анжуман икки кун давом этади. Унда инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва жамиятни демократиялаш мавзуларидаги маърузалар тингланади, мунозаралар бўлади.

(ЎзА).

Бир вилоят янгиликлари

«САТТОР»ДА ТАИЁРЛАНАЁТГАН ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР

ОЛОТ. «Қаловини топса қор ҳам ёнади», дейишгани бежиз эмас. Олотликлар ана шуни англаган ҳолда вазиятдан келиб чиқиб, иқтисодий қийинчиликларни енгишга ҳаракат қилишмоқда.

Яқинда тумандаги «Саттор» кичик корхонасида сув насослари учун эҳтиёт қисмлар тайёрлашга киришилди. Корхона худди шу мақсадлар учун Украинанинг Харьков шаҳридаги турдош корхоналар билан алоқа ўрнатган. Улар ҳозирча Бухоро ва Навоий вилоятларидаги сув насос станцияларини зарур қисмлар билан таъминлашяпти. Келгусида жамоа хизмат доирасини кенгайтириб, республикамизнинг яна олтита вилоятига хизмат кўрсата бошлайди.

1000 СУМДАН СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ

Кўпгина тадбиркорлар бозор иқтисоди қийинчиликларидан қўрқмаслик лозимлигини тобора англаб бормоқдалар. Бундай ҳолатни қишлоқларда ҳам кузатиш мумкин.

Ўз шароити қийинлигига қарамасдан Олот туманидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги бошқаруви аълочи ўқувчилар учун стипендия тайинлади. Энди хўжалик ҳудудидаги С. Айний, Махтумқули ҳамда С. Муродов номли мактабларнинг барча аълочи ўқувчилари 1000 сўмдан стипендия олишмоқда. Бу хайрли иш Ватанга муносиб фарзандлар тайёрлашда ўз самарасини беради.

70 ҚИШИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

ЖОНДОР. Туман шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари иттифоқи Афғонистондаги «Машраб ЛТД» фирмаси билан ҳамкорликда «Жондор — Машраб» қўшма корхонасини ташкил этдилар. Бу корхона аҳоли қўлидаги ортиқча қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларини олиб, қайта ишлаб, кенг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқармоқда. Ҳатто, ипак ҳамда жундан маҳаллий қалин гиламлар тўқиш ҳам йўлга қўйилди. Бундан ташқари, корхонада болалар, аёллар ва эркаклар кийим-кечакларигача тикилмоқда.

Олдинлари сўйилган молларнинг ичак-чавоқлари дуч келган жойларга ташлаб кетиларди. Қўшма корхона ана шуларни ҳам қабул қилиб олиб, қайта ишлаб хорижий мамлакатларга жўнатаётир. Унинг эвазига четдан ўзларига керакли асбоб-ускуналар олишмоқда. Бундан тушган фойда ҳисобига корхона янада кенгайтирилади. Ҳозирча корхонада 70 киши иш билан таъминланган. Келажакда уларнинг сони яна 50 тага кўпаяди.

ПЕШКУЛИК САИДАНИНГ НИЯТИ

ПЕШКУ. Пахта терими яқиндагина бошланганига қарамай, тумандаги «Варахша» ширкат хўжалигининг илғор пудратчиси Саида Муҳиддинованинг шу кунигача терган пахтаси тўрт тоннага етди.

Мавсум охиригача 10 тонна пахта теришни ният қилган илғор теримчи, ҳар куни хирмонга 180 — 200 килограммдан «оқ олтин» тўкмоқда. Ўйлаймизки, у ўз сўзи устидан чиқади.

Маъмон ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Энергетик ресурслар—халқ бойлиги

Фараз қилинг: ушбу мақолани юмшоқ ўриндиқда ўтириб бемайлихотир ўқияпсиз: хона чароғон, телевизор қўйилган; радио ва холодильник ишлаб турипти... Биз бунга нимкоб нетгаммиз. Шундай бўлиши керак, деб ўйлаймиз. Лекин сиз билан бизнинг ҳузур-ҳаловатимизни ўйлаб неча-кундуз меҳнат қилаётган, ЎРУҒЛИК ва ИССИҚЛИК ато этаётган конchилар, геологлар, таъминотчилар, энергетиклар, қўйинг-чи, неча йиллаб касб эгаларининг ғайрат-шижоати қадрига етаяпмизми!

ҚЎЛИНГДАГИ—НАҚДИНГ, ТЕЖАЛГАНИ—БАХТИНГ

Бу саволга жавоб беришдан илгари мулоҳаза учун икки-учта рақамни келтириб ўтмоқчиман. Республикамизда мавжуд электр станцияларда ҳар йили 14 миллиард куб метр табиий газ, 4 миллион тонна кўмир, 1,6 миллион тонна мазут ёқилмоқда. Ҳозир биргина ермойнинг 80 фоизи четдан ташиб келтирилаяпти. Бундан ташқари, нефть маҳсулотлари ҳам республика ташқарисидан сотиб олинаётир. Буларнинг нархлари муттасил ошиб бораётгани иқтисодиётимиз «елка»сига оғир юк бўлиб тушмоқда. Шу боис Президентимиз И. А. Каримов Олий Кенгашнинг сўнгги сессиясида сўзлаган нутқида ёнилғи-энергетика мажмуини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Бу йил бир неча ўн миллиард куб метр газ, миллионлаб тонна нефть қазиб чиқарилади. Ноёб Кўкдумалоқ ёнилғи манбаида янги конни ишга тушириш ҳаракати авж олиб кетди. Миигбулоқда эса қидирув юмушлари кенг кўлам касб этди. Буларнинг шарофати билан бутун халқ хўжалиги, жумладан, энергетика саноатининг мушкули осон бўлади, албатта.

Аммо бугунги кундаги энг асосий вазифа — энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланишдир. Зеро, биз иқтисодиётнинг ҳолати энергетиклар ишига кўп жиҳатдан боғлиқлигини сира унутмаслигимиз керак.

Маълумки, энергетикада туб иқтисодий кўрсаткич тушунчаси бўлиб, у ҳар киловатт-соат электр қувватига сарфланаётган шартли ёнилғи миқдорини ифодалайди. Афсуски, бу миқдор йил сайин кўпайиб борганлиги туфайли 1992 йилда бир киловатт-соатга 368,6 грамм ёнилғи сарфланди.

Хўш, вазирлик тармоқнинг техникавий-иқтисодий аҳволини яхшилаш учун қандай чоралар кўрмоқда?

1993 йилнинг 6 ойида амалга оширилган ташкилий тадбирлар натижасида ҳар киловатт-соат электр қуввати ҳисобига ёнилғи сарфи 6 грамм камайди. Аммо ҳали бу соҳада фойдаланилмаётган имкониятлар талайгина.

Шу йилнинг июль ойида Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банкининг бир гуруҳ маслаҳатчилари билан биргаликда энергиядан самарали фойдаланиш ва ёнилғини тежаб-тергаб ишлатишнинг туб муаммолари ҳамда асосий усуллари муҳокама қилинди. Муддао — сармоя солишининг устивор соҳалари ва техникавий ёрдамнинг эҳтиёжини аниқлаш эди. Шунинг учун электр станциялар, қувват узатиш симлари, тақсимлаш тармоқлари, истеъмолчиларни марказлаштирилган тартибда иссиқлик энергияси ва иссиқ сув билан таъминлаш, нарх белгилаш снёсати, ҳисоб-китоблар ва ҳаражатларни сарҳисоб этиш йўллари мутахассисларнинг диққат марказида бўлди.

Ускуналарни янгилаш ва таъмирлаш навбатдаги энг муҳим вазифалардандир. Иссиқлик станцияларида 20 йилдан кўпроқ ишлатилиб, путурдан кетган анчагина буғ қозонлари, турбиналар ҳамда генераторлар бор. Бу гап, аввало, Фарғона иссиқлик маркази ва Ангрен ДНЭСига тааллуқлидир. Навоий ва Тошкент Иссиқлик станцияларида ҳам иккитадан эскирган агрегатлар мавжуд. Шу боис уларни техника билан қайта жиҳозлаш ва таъмирлашнинг иқтисодий ҳисоб-китоблари ишлаб чиқилди.

Таъминот соҳасидаги вазият нечоғлик мураккаб бўлмасин, Навоий ва Тошкент иссиқлик станцияларида баъзи ускуналар алмаштирилиши шарофати билан ҳосил қилинаётган энергияга ёнилғи сарфи бирмунча озайди. Аигреи ДНЭСида иссиқлик режими жорий этилиши туфайли йилига 65000 тонна шартли ёнилғи тежаб қолиш мўлжалланмоқда. Тошкент иссиқлик станциясида ҳам ишни шу тахлитда уюштириш орқали анчагина табиий газ ва мазут иқтисод қилинади.

Асосий ва ёрдамчи ускуналарни сифатли созлаш ҳам кўплаб миқдорда ёнилғини тежаш омилидир. Созловчиларни мукофотлаш энергетика блоклари техникавий-иқтисодий кўрсаткичларига боғлиқ қилиб қўйилганлиги яхши самара бермоқда.

Энергияни узатишда кўриладиган талофат ҳали ҳам жами қувватнинг 7,75 фоизини ташкил этмоқда. Бу — кам. Биз йилига симлардаги талофатни 100.000000 киловатт-соат озайтиришга эришмоғимиз керак.

Республикамизда энергияни тежашнинг биринчи навбатдаги тадбирлари дастури ишлаб чиқилди. Бу ишга Фан-техника давлат комитети ҳамда Фанлар Академияси мутахассислари ва олимлари жалб этилди. Ушбу дастур саноатнинг барча тармоқларига дахлдор бўлиб, энергия сарфига баҳо бериш, маҳсулот бирлигини тайёрлаш учун қувватнинг ишлатилишини камайтириш ва бошқа масалаларни қамраб олган. Унинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши туфайли йилига 250 миллион киловатт-соат электр қуввати иқтисод қилинади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига энергия сарфини аниқ белгилаб қўйиш, яъни меъёрлаштириш усули ўзини оқлаган эди. Лекин бу иш 1992 йилда корхоналар ихтиёрига бериб қўйилиши оқибатида ана шундай меъёрлар, энергияни тежаш тадбирлари ҳисобга олинмай, юзаки тайёрланиб, «ҳа, баракалла!» қабилида тасдиқлаб юборилавердн.

Электр ва иссиқлик энергияси сарфи нормаларининг ижроси ҳусусидаги квартал ҳисоботи бекор қилинган эди Натижада кундалик назорат йўққа чиқди. Бу, албатта, ишга салбий таъсир кўрсатди.

Хайриятки, Истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитетининг қарорига биноан квартал ҳисоботи тақдим этиш яна йўлга қўйилди. Бундан буён корхоналар маҳсулот бирлигига энергия сарфи хусусидаги квартал ҳисоботларини ҳам тармоқ энергия назорати идораларига юборишлари шарт. Бу тадбирлар дуруст натижа беради, деб ўйлаймиз.

Пировардида энергия истеъмолчиларига шуни яна бир карра эслатиб ўтмоқчимиз: шу йилнинг 1 сентябридан бошлаб барча вазирликлар, идоралар, бирлашмалар, корпорациялар, концернлар учун йиллик истеъмолининг 5 фоизи миқдорида ёнилғи — энергетика ресурсларини тежаш вазифаси қўйилган. Бу — адо этилиши шарт бўлган мажбуриятдир.

Ҳосил қилинган жами энергиянинг 15 фоизи хонадонларда ишлатилмоқда. Кимки бекор ёниб турган чироқни, беҳуда ишлаб турган электр асбобини ўчириб қўйса, ҳам оила даромадини кўпайтиради, ҳам энергетикларга ёрдам берган бўлади.

«Тежалган» — нақд бойлик»,— дейди халқимиз. Бнобарин, тежагаи киши мурод-мақсадига етади, элини бойитади. Бу хонадоидан эса ҳеч қачон қут-барака аримайди.

Тўйчи АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электрлаштириш вазирининг ўринбосари.

ХОТИРА КИТОБИ

1941-1945 йилларда қалок бўлган ва бедарак йўқолган Ўзбекистон ҳамда қорақалпоғистонлик жангчилар номини абадийлаштириш мақсадида бир неча йилдан буён «Хотира китобини тайёрлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозир Қорақалпоғистонда ва Республикамизнинг барча вилоятлари шунингдек Тошкент шаҳрида «Хотира китоби»ни тайёрлаш ҳамда нашр этиш ишига умумий раҳбарлик қилиш мақсадида таҳририят кенгашлари тузилган. Таҳририят кенгашларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари бошчилик қилмоқда. Бугунгача мазкур рисолага кирувчи шахслар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, ҳар бир туман бўйича улар рўйхатини тузиш ишлари амалга оширилди. Кейинги 2 ой ичида таҳририят кенгашининг бир неча йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда «Хотира китоби»ни тайёрлаш бўйича тавсиялар муҳокама қилинди. Вилоятларда бу иш қандай йўлга қўйилганлиги ҳақида вилоятлар, Қорақалпоғистон республикаси фахрийлар ташкилотлари кенгашларининг раислари ахборот бердилар. Рисоланинг барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри учун бир хил бўлган мақети тасдиқланди.

«Хотира китоби»га 1941 йил 22 июндан 1945 йил 3 сентябргача бўлган даврдаги жангларда ҳалок бўлган ва бедарак йўқолганлар, партизанлар, госпиталларда, асирликда вафот этган ҳарбий хизматчилар киритилади. Рисоладаги ҳар бир шахс биринчи навбатда собиқ СССР Мудофаа вазирлигининг Подольск шаҳридаги Марказий ҳарбий архивидан олинган маълумотларга, шунингдек туманлар мудофаа ишлари бўлимн берган маълумотларга асосан рўйхатга олинди.

Абдурашид МАЖИДОВ,
«Хотира китоби»ни тайёрлаш ва нашр этиш бўйича илмий марказ раҳбари.



«Навоийазот» бирлашмаси — республикамиздаги етакчи саноат корхоналаридан бири. Бу ерда кейинги пайтда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга катта аҳамият берилмоқда. Хусусан, нейтрон матолардан турли ҳажмда, хилма-хил тусда иплар, улардан эса ранг-баранг буюмлар тайёрланаётир. Яқинда Швейцариядаги «Пассан» фирмасидан «Дизайн» мосламаси келтирилди. Бу эса корхонада юқори даражадаги техника ёрдамида юзлаб турдаги тўқима мато ишлаб чиқариш имконини беради.

— Вирлашмамизда 900 га яқин киши меҳнат қилмоқда,— дейди шу жамоа раҳбари Баҳодир Шарипов.— Ҳар ойда 450—460 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаяпмиз.

СУРАТДА: гилам тўқувчилар Фотима Худойқулова ва Галина Каршиева.

Т. НОРҚУЛОВ олган сурат.

(ЎзА).

• *Иқтисодиёт қирралари*

ОЗМУНЧА ДОЛЛАР СУВГА ОҚИЗИЛМАГАН ЭКАН

— дейди чиқитсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтаётган Шаҳрихондаги сут маҳсулотлари корхонаси директори Авазбек МУҲАММЕДОВ. — Олдингдан оқдан сувнинг қадри йўқ, дейдилар. Биз учун оддий туюлган маҳсулотни ўзгалар кўзларига тўтиё қилишларини қайдан билибмиз.

Шаҳрихон шаҳар сут маҳсулотлари корхонасининг директори Авазбек Муҳаммедов билан суҳбатимиз ана шундай бошланди. У чиройли, бежирим қутиларга дид билан жойлаштирилган қуртоғларни ўртага қўйди.

— Эриш туюлиши мумкин. Буларни Саудия Арабистонига юборяпмиз, — сўзини давом эттирди у. — Маҳсулот сифати ва турини яхшиладик. Укропли, кашнич уруғли, қалампирли, зирали, ва тор райҳонли. Мазаси оғизингизда қолади. Энг муҳими арзон маҳсулотдан мўмайгина валюта ишлаяпмиз. Бир ойда 12 тонна қуртоғ тайёрлашни кўз олдингизга келтиринг-а. Албатта, ўз истеъмолчиларимизни ҳам ёддан чиқарганимиз йўқ.

— Аламли, аммо бор гап. Қишлоқ аҳли сут-қатиқ етиштиради-ю, дўконларида уни пўриш амри маҳол, шундай эмасми?

— Бўзчи белбоққа ёлчимаган вақтлар кўп бўлди. Энди яратувчининг ўзига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Буюртма бўлса қишлоқдаги ҳар қандай дўконга маҳсулот берамиз. Қолаверса корхонамизда улардан қабул қилинаётган сут учун қўшимча нмтиёзлар ҳам беряпмиз.

Хизматчиларимиз бозор иқтисодиётининг шаклу шамойилини юракдан ҳис қилишяпти. Шунинг учун ҳам харидоргир маҳсулотларга алоҳида эътибор берилаётир. Эндиликда Голланд пишлоғидан қолишмайдиган маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Еки қуритилган сут кимни ташвишга солмайди дейсиз. Ўтган йили мижозларга 300 тонна етказиб бергандик. Бу йил ана шу кўрсаткич 625 тоннага етади.

— Утган йили «Ибн Сино», «Шифо» деб номланган ичимликлар савдо растала-

ри юзини кўрганди. Кейин йўқолиб қолди...

— Сиз қайд этган маҳсулотлар ғоят шифобахш эди. У қатиқ зардобига махсус дорнворларни қўшиш ёрдамида тайёрланган. Чанқовбосдилигини қўятурииг-у сариқ, қон босими каби касалликларга даво эди. Лекин уларнинг қадрига етилмади. Оқибатда ишлаб чиқаришни тўхтатишга мажбур бўлдик.

— Хорижда чиқитсиз ишлаб чиқариш технологиясига утилганига анча бўлди. Корхонангизда бу борада ҳам изланишлар олиб борилятти чоғи?

— Кўп йиллар мобайнида ҳотамтойлик қилдикми, сахийликми биололмадим. Очиқроғини айтганда нўноқлик қилдик. Оддийгина мисол: корхонамизда деярли 400 килога яқин сут чиқиндиси авваллари хўжалик фермаларига, паррандабоқарларга озуқа учун бериб юборилярди. Бўлмаса сувга оқизнларди. Биз ундан республикамизда биринчнлардан бўлиб техник казсин ишлаб чиқишни йўлга қўйдик. Саноат учун ғоят қнмматбаҳо ҳисобланган ушбу елимни хорижга ҳар килосини 2 доллардан сотмоқчимиз. Бошқачароқ қилиб айтганда сувни пулга айлантиряпмиз.

— Маълум бўлишича кейинги пайтларда корхонага келувчи харидорлар сизни кўп «безовта» қилишяпти экан.

— Ҳа, улар бнз етиштираётган эфир мойидан олишмоқчи. Ўтган йили Шаҳрихондаги «Рустамжон» кичик корхонаси билан ҳамкорликда 15 гектар ерга Лаванда, Палнн, Бархитсин каби ўсимликларни эккандик. Ундан уч турдаги эфир мойи олинди. Шуниси муҳимки, маҳсулот атир, упа ишлаб чиқаришдаги энг зарур хом ашё ҳисобланади. Унинг уч томчиси 1 доллар эканлигининг ўзи ҳам қнмматбаҳо эканлигидаи далолат бериб турнбди.

Ўсимликнинг пояси чорва учун озуқа. Суви совун ва шампунь ишлаб чиқаришда ғоят хушбуй қўшилувчи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам вилоятдаги манфаатдор ташкилотлар билан шартнома туздик.

Дарвоқе, корхонамизда ёрдамчи хўжалик ҳам ташкил этдик. Мустақиллик шодиёнаси арафасида 10 та қўйнн сўйиб хизматчиларга арзон нархда тарқатдик. Қорамоллар сони эса 12 тага етди.

— Ютуқлар ўз-ўзидан келмайди, унинг бонси нимада?

— Аввало жамоамиз аҳил. Ёшларнмиз ғайратчан. Қолаверса ишлаб чиқариш линиясини янгиладик. Эндиликда бир томондан сутни қабул қиламиз, иккинчи томондан тайёр маҳсулот чиқади. Демоқчнманки, бир даврали меҳнат маромига эга бўлдик. Шунинг учун маҳсулот айнимайди. Ўз-ўзидан маълум сифат ҳам буэнлмайди. Ортиқча чиқимга ҳам йўл қўйилмайди. Ўтган олти ой мобайнида 24 миллион сўм соф фойда олганнмиз ҳам бежиз эмас.

— Айтингчи, ҳозир янги турдаги қандай маҳсулот устида ишлаяпсизлар?

— Янгилик рўёбга чиқмагунча шошилмаслик керак. Аммо лознм экан айтақолай. Қуритилган сутдан «Лавз» деб номланган ширинлик яратдик. Худди шунингдек мнжозларга янги турдаги парварда ҳам етказиб берамиз. Истагимиз халқимизнинг дастурхони тўкин, файзли, хонадонида барака бўлсин. Шунда қалбимиз ғурурга тўлади.

«Халқ сўзи» мухбири Ф. ШОДМОНАЛИЕВ суҳбатлашди.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР

ОНА БУРИ УЧ ОЛДИ

ФАҚАТ инсонгина эмас, дунёда тирик жонзот борки, болажо бўладн.

АРМАНИСТОННИНГ Байса қишлоғида истиқомат қилувчи чўпон Ато Салмоян тонг саҳарда занжирбанд итининг безовта ҳуришидан уйғонди. Қўлига сўйилини олиб, ёзги қўрадаги қўйларидан хабар олгани чиқди. Шу пайт баҳайбат она бўри унга ташланди. Кутилмаганда бошланган тенгсиз жанг ярим соат давом этгандан сўнггина қўшнилар ёрдамга келишди.

Маълум бўлишича, инсон ғалабаси билан тугаган жангдан бир кун олдин шу қишлоқлик кимдир она бўрининг бешта боласини инидан олиб келган экан.

УЗГА САЙЁРАЛИКЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ ТАШРИФИ

НОМАЪЛУМ учувчи жисмларнинг ёрда пайдо бўлишига инсон зоти кўникиб қолди. Аммо...

КРАСНОТУРИНСК шаҳри яқинидаги Боронцовка қишлоғида жойлашган бурғилаш минораси устида пайдо бўлган номаълум жисм бир ярим соат муаллақ турди. Бурғиловчи Раҳим Зобитовнинг таъкидлашича, у бир-бири билан бўйин орқали туташган иккита бнр хил катталикдаги ликопчалардан иборат. Жисм пайдо бўлиши билан телефонлар ишламай қолгаии сабабли бу ҳақда тегишли ташкилотларга сим қоқиб хабар беришнинг иложи бўлмади.

ЧУРБАНОВ... АВФ ЭТИЛДИ

МАРҲУМ Брежневнинг собиқ куёви Юрий Чурбанов Россия Президентининг Фармони билан қамоқдан озод этилди.

МУШТАРИЛАРГА маълумки, мансабдор бу зот бир пайтлар «Ўзбеклар иши» номи билан шов-шув бўлган воқеалар гирдобига тушиб, 12 йилга озодликдан маҳрум этилганди. У шу муддатдан олти йилини қамоқда ўтказди. Озод бўлгач, тўппа-тўғри Москвага келди.

ТЕКИН КОНФЕТ ДЕБ ЕЯВЕРМАНГ

ОМСКДА болаларни заҳарлайдиган шумкампир пайдо бўлгани қақидаги шов-шув оналар тинчлигини бузди.

«ОРЕОЛ» ҳафталик нашрининг ёзишича, шумкампирнинг сохта эркаллашларига учиб, у совға қилган конфетни еган болалар тезда шайтонлай бошлайди. Нобуд бўлганлар ҳам оз эмас. Аммо, афсуски, милиция ходимлари зўр бериб ҳаракат қилсалар-да, «болажон» кампирнинг изига тушолмаяптнлар.

СОЧИНГ УЗУН БЎЛСА ҲАМ БИР БАЛО ЭКАН

РИГАЛИК Наталья К. исмли ёш шаҳардаги фирмалардан бири бошлаган янгича бизнесининг биринчи қурбони бўлди.

ФИРМА аёлларнинг узун сочини валютага хийлагина юқори нархда сотиб олишини маълум қилганди. Наталья кеч тунда дугонасиникидан қайтаётганда икки йигит ва бир қиз унинг йўлини тўсиб, гугурт сўрашди. Шу пайт йигитлар унинг бурнига хлорофор сепилган латта босиб, ҳушсизлантиришди...

Бечора Наталья ҳушига келганда кўрсаки, пул тўла ҳамёнидан ташқари узун ва қуюқ сочларини ҳам қиртишлаб кетишипти.

МОМОҚАЛДИРОҚСИЗ ЯШИН ҚАЙДАН КЕЛДИ...

АМУР вилоятидаги Лнман қишлоғи аҳолиси шарсимон яшиннинг бемаврид ташрифини узоқ йиллар эслаб юрнпса керак.

БАХТСИЗЛИК қуша келади деганларидек, қўшнилар вафот этган ҳамқишлоқлари маъракасини ўтказиб турган хонага шарсимои яшин тушиб, 19 кишини тўрт тарафга улоқтириб юборди. Олти киши шифохонага тушди, бир кишн шу ернинг ўзида оламдан кўз юмди.

Ажабланарлиси шундаки, ўша куни осмои булутсиз бўлиб ҳаво мутлақо очиқ эди.

ХУДО БЕРАМАН ДЕСА ҲЕЧ ГАП ЭМАС

ИККИ йилн Сапд салкам бир кило (900 грамм) олтни... топиб олди...

САИДНИНГ икки йил давомида бяринчи марта остона ҳатлаб кўчага чиқиши эди. Онаси уни соя жойда ўйнаб тур деб, ўзи Нил бўйига кир чайгани кетди. Қайтиб келса, Саиднинг дадаси бегона киши билан бир парча сариқ жисмни кўздан кечиришмоқда эди. Қарангки, у қум орасида ётган соф олтин экан.

Бу топилма Судандаги Эр-Ренк шаҳрида бечорахол яшаётган оила учун айни муддао бўлди.

ҚОПАҒОН ИТ ОДАМ БЎЛИБ ЧИҚДИ

ПЕРМДА милиция ходимини қоғган «ит» устидан жиноий иш қўзғатилди.

СУД бошланишндаёқ маълум бўлдики, жиноятчи ит эмас, одам экан. Араққа тўйиб олган техника университети талабаси йўлакда эмаклаганча йўловчиларга росмана ит бўлиб ҳуравергач, тартиб посбонига мурожаат қилишга тўғри келган. Итдек ичган талаба эса милиция ходимини тишлаб олди.

ВЕНЕЦИЯЛИК... СТАХАНОВЧИ

ЖИНОЯТЧИ ҳукмдан норози бўлиб, Италия Олий судига шикоят қилди, аммо ҳукм ўз кучида қолди.

БЕНЕЦИЯЛИК 60 ёшли Атос Багатин 900 кунлик... отпуска пулини олишга ҳукм қилинди. У нотариал идоралардан бирида 28 йилдан бери отпуска олмай ишлаётган экан. Шу боис уни идора эгаси эмас, касаба уюшмаси судга берди. Атос судда шундай тушунтириш берди: «Мен ишламай туролмайман, ҳар ҳафтадаги икки кунлик дам ҳам мен учун кучли жазо».

СИГИРНИНГ АЖАЛИ БЕШИНЧИ ҚАВАТДА ЭКАН

ШАҲАР четида биқиндан семиз сигирнинг ўтлаб юрганини кўрган М. исмли шахс мўмай даромадни бўлиш пайига тушди.

СИГИР бешинчи қаватдаги хонага киргач, шундай тўпалон кўтардики, нима бўлаётганини тушунмай қолган қўшнилар 02 га қўнғироқ қилишга мажбур бўлишди. Милиция ходимлари етиб келишганда М. сигирни сўйиб бўлиб, терисини шилаётган экан.

Шу уйда яшовчиларни қўшиларининг шармандали иши эмас, шундай катта сигирни бешинчи қаватга қандай олиб чиққани кишини лол қолдиради.

Мустақиллик чорраҳаларида

ФАРҒОНАНИНГ ОЛИС ТОҒ ҚИШЛОҒИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Лекин ҳар қандай ривоят замирида оз бўлса-да, тарихий ҳақиқат, мозий бўронлари заминида қоришиб кетган воқеалар ётади. Фикримизнинг исботи учун шуни такрорламоқчимиз. Худоёрхон биринчи марта тахтдан қувилгандан сўнг у яна мана шу инсон оёғи етмас тоғ дараларига келиб яшириниган экан. Ў душманлардан, ғанимлардан ҳимояланиш учун Кон қишлоғида, бошқа қоялардан айри бўлган баланд ғоя устига қалъа қурдиргап. Қалъага ёндош ерда эса навкарлар яшайдиган, машқ ўтказадиган салкам 10 гектарлик майдоннинг атрофини баланд девор билан ўратган экан. Асрлар шамолига, зилзилаларга сиёсий курашлар туфайли вужудга келган урушларга рўбарў бўлган қалъа ҳозир ҳам баланд қоя устида мағрур тик турибди. Фақат кучли шамоллар, дўл, ёмғирлар қоянинг қалин деворларини бироз нуратган Лекин бу тарихий обиданинг шакл-шамойили тўлалигича сақланиб қолган. Пистирмалардан, болохоналардан гўё хон навкарлари чиқиб келаётгандай...

Биз сизга фақат яқин ўтмишимизни ҳикоя қилиб бердик, холос. Сўх воҳасининг тарихи эса жуда олисга, ҳаёл етмас манзилларга, маконларга бориб тақалади. Маълумки, милоддан аввалги бир миллион йил илгариги замонда одамлар яшаган манзиллар дунёда бармоқ билан санарли. Уларнинг тўрттасини эса археологлар қадимий одамлар яшаган манзилгоҳ сифатида эътироф этишган. Индонезиянинг Суматра ороллари, Шимолий Африка, Францияниг ўрмонлари билан бир қаторда Сўх воҳасининг Селингур ғори ҳам илк тош даври — қуйи палеолит асрида одамлар истиқомат қилган макон сифатида илмий мажмуаларда эътироф этилган. Ўрта тош даври — Мустье асрида ёки эрамиздан 150-120 минг йиллар аввал Қалъача ва Сўх ғорларида, атроф маконларида одамлар истиқомат қилганлиги ҳақидаги топилмалар мавжуд. Бунга яна Обишир ғори, Чашма дарасидаги топилдиқларни ҳам қўшиш мумкин.

Энг муҳими эса Сўх инсоният деҳқончиликка қўл урган энг қадимги маконлардан бири эканлиги билан ҳам эътиборга лойиқдир. Сўхнинг шимолидаги Саймали Тош тоғидаги манзараларда деҳқончилик қуроллари, ер ҳайдаш асбобларининг тасвирлари акс эттирилган. Қатрам тоғ этакларида эса Сурати деган жойий манзил бор. Бу макон беҳудага шундай деб номланмайди. Чунки бу ердаги силлиқ тошларга қадимий ота-боболаримизнинг юксак маданияти, амалий санъати ўйиб тасвирланган. Айниқса, ўз даврининг рамзи бўлган икки бошли илон тасвири ҳамон қояларда мағрур турибди. Бу тасвирлар йиллар бўронида йўқолиб кетмай янада сайқал ва оройиш топган.

Сўх воҳаси ана шундай ажойиб, ўзига хос тарихий, маданий ўтмишга эга бўлган воҳадир.

ВОДИЙ ИЧРА ВОДИЙЧА

Сўх воҳасини Фарғона водийсига туташ «водийча» деб таърифлаш мумкин. Осмонўпар Олой тоғларидан сув ва қудрат олган Сўх дарёси ана шу ажойиб воҳани қоқ иккига бўлиб, катта водийга азим Сирдарёга қараб интилади. Воҳани водий билан шўх дарё қалқиб чиққан тор дарагина ажратиб туради, холос. Водийнинг қолган қисми эса Фарғона тизмаси, Олой тоғларининг оралиғида ястаниб ётади. Бу қадимий манзилгоҳ нафақат Фарғона водийсида, балки бутун Марказий Осиёда ўзига хос маданияти, урф-одати, турмуш тарзи бўлган воҳа ҳисобланади. Ҳозир ҳам бу ерда Бобур таъбири билан айтганда, «Форсийда сўзлашадиган сорт» халқининг минг йиллик анъаналари сақланиб қолган, десак муболаға бўлмайди.

— Бундан бир аср аввал воҳада 1200 дан ортиқ хонадон бўлиб, 7 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилган экан, — дейди Сўх тумани ҳокими Баҳодиржон Обиджонов. — Асримизнинг бошларига келиб эса ҳўжаликлар сони тенг бараварга кўпайган. Аҳолиси эса 12 минг кишига етган. Воҳанинг ривожланиши, турмуш тарзининг ўзгариши, қадриятларнинг эъзозланиши эса Ўзбекистоннинг чинакам мустақилликка юз тутганидан кейингина рўй берди десак муболаға бўлмайди.

Ҳа, ҳокимнинг гапларида жон бор. Чунки Сўх тумани истиқлолимизнинг ҳақиқий фарзанди сифатида дунёга келган. Шўро давлати даврида мана шу 20 дан ортиқ қишлоқни бирлаштирган воҳага ҳам район статуси берилмаган эди. Фақат сўнгги икки йил ичида сўхликлар ўзларининг азалий орзуларига эришдилар. Сўх мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маданий мавқеига эга туман сифатида тан олинди. Туманнинг умумий ер майдони 22 минг гектардан ортиқни ташкил этади. Аҳолиси эса ҳозирга келиб 42 минг кишига етди. Бундан уч йил аввал ҳам мана шу йирик қишлоқларни битта ҳўжалик бирлаштирган эди. Ҳозир эса туман ҳудудида учта ширкат ҳўжалиги, 7 та деҳқончилик фермер жамоалари фаолият кўрсатмоқда.

Сўх қадимдан маданият ва маърифат ўчоғи бўлиб келган. Ана шу мўъжазгина тоғ қишлоғидан иккита фан доктори, 20 дан ортиқ фан номзодлари чиққанлиги фахрлидир. Ўзбекистон ва Тожикистонга довруғи кетган қатор санъаткорлар, зиёлилар ҳам Сўх воҳасининг фарзанди эканлигиларидан фахрланадилар. Сўхда 22 та мактаб борлигини эшитиб, ҳайратга тушдим. Яна шунга қўшимча қилиб 30 дан ортиқ мактабгача тарбия муассасалари бор дейишганда воҳанинг келажаги истиқболи порлоқ эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Ҳозирги кунда сўхликларга 70 дан ортиқ савдо дўконлари хизмат кўрсатяпти. Яқин вақтларгача ҳам дардга чалинганларни довон орқали туман марказ Риштонга олиб борилар эди. Ҳозир эса воҳада учта шифохона мавжуд. Улардаги ўринлар сони эса 275 тани ташкил этади.

Яқинда эса олис тоғ туманининг йироқ қишлоғи Ҳушёр мавзеида замонавий шифохона ишга туширилди. Бу шифохонани фойдаланишга топшириш фақат ҳушёрликлар учунгина эмас, балки қўшни Қирғизистоннинг Қизил қиёқ, Шарқобод, қишлоқлари аҳолиси учун ҳам байрамга айланиб кетди. Чунки бу қишлоқ аҳли ҳам бевосита мана шу шифохона хизматидан фойдаланишади.

— Фақат чинакам истиқлол, мустақиллик туфайлигина халқимизнинг асрий орзуси ушалди, — дейди Ҳайдарали Сафаров. — Биз бу ғамхўрлик учун ҳурматли Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовдан беҳад миннатдормиз. Янги шифохонанинг ишга туширилиши истиқлолимизнинг, ҳурриятнинг чинакам мевасидир.

Шифохонанинг замонавий медицина асбоб-ускуналари, дори-дармонлари билан таъминланганини кўриб, қувонасан. Янги шифохона бош врачи Ҳайдарали Сафаровнинг ҳаяжонга тўлиб гапиришида жон бор. Чунки янги туман марказидан ҳам 20 километр узоқликдаги бу қишлоқ аҳолиси қизил империя даврида шифохона қуриб беришни талаб қилиб, бормаган манзили, бош урмаган остонаси қолмаган эди. Тошкенту Москвадан келган «арбоблар» эса ваъдани қуюқ бериб, изларига равона бўлишарди.

Қишлоқ шифохонасини малакали мутахассислар билан таъминлашда қўшни қирғизистонлик шифокорлар ҳам ёрдамга келишди. Ҳозир Қирғизистоннинг Ҳайдаркон шаҳридан Ҳушёр шифохонасита болалар врачи Ольга Вильгелимовна Кузнецова ва лаборант Лидия Кирилловна Бригадаренколар келиб тоғ қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатишмоқда. Шу воҳада ном чиқарган ақушер-гинеколог Н. Ф. Веснина ҳам бу ерга келиб ишлаш истагини билдирди. Нина опани ҳайдарконликлар қаторн сўхликлар, ҳушёрликлар тажрибали доя сифатида иззат-икром қилишади.

Янги шифохонада маҳаллий мутахассислар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Чунки Ҳушёр қишлоғи нафақат Сўх воҳасига, балки бутун водийга таниқли шифокорлар, кардиологларни етказиб берган макон ҳам ҳисобланади. Шуннинг учун янги шифохонанн очилиш маросимида ўз касбини 40 йилдан бери эъзозлаб келаётган Очахон опа Соттиева ҳамда эндигина Қўқон медицина били юртини битириб, қадрдон қишлоғига ишга келган Азизахон Иброҳимоваларга бирдай тилак билдирилди: «Янги манзил, янги шифохона озод ва ҳур Ўзбекистонга, унинг ажралмас бўлаги бўлган ҳушёрликларга хизмат қилсин».

ТОЁН КЕНГЛИКЛАРИДА

Сўхликлар ҳудудий бирлик бўйича Ўзбекистон Олий Кенгашига ягона вакилларини юборишади. Илгарилари ана шу ягона мандат эгаси ҳам асосан марказдан юборилган номзод бўларди. Ўзбекистон Олий Кенгашида ўтказилган XII чақириқда эса сўхликлар бахти «кулиб боқди». Вилоятнинг биринчи раҳбарн Сўх ҳудудий округидан Ўзбекистон Олий Кенгашига депутат қилиб сайланди.

Мен ҳам республика рўзномасининг вилоятдаги вакили сифатида биринчи раҳбар билан бўлган учрашувларда қатнашганман. Ҳаммаси рисолада битилганидек уюштирларди. Вилоят марказидан 120 километр олисдаги тоғ қишлоғига йўл олган машиналар кортежи мавзе сарҳадида самимий кутиб олинарди. Депутат билан учрашув эса катта тантанага айланиб, тоғ-тоғ ваъдалар берилар, ноибга эса ҳатто миннатдорчилик сифатида тўн кийгизилар эди.


Афсуски, биринчи раҳбар вилоят ишини барбод бергани дек, депутатлик мақомини ҳам ўз ўрнига қўя олмади. Ўша тантаналарда берилган ваъдаларнинг бирортаси ҳам бажарилмади. Шу йилнинг баҳорида эса сўхликлар собиқ биринчи раҳбарга ишончсизлик билдиришди, у Ўзбекистон халқ депутатлигидан чақириб олинди.

Албатта, биринчи раҳбарнинг ўрнига ким халқ ноиби бўлади, деган савол сўхликларни ўйлантириб қўйди. Ана шунда кўпчилик «Сўх» давлат хўжалиги бригада бошлиғи Лолахон Хўжаева халқнинг олий кенгашидаги вакили деган номга муносиб эканлиги ҳақида фикр билдиришди. Ҳақиқатан ҳам Лолахон бундан аввал туман, вилоят Кенгашларига депутат қилиб сайланиб, анча эл оғзига тушиб қолган эди. Шунинг учун ҳам сайловчилар 435-Сўх сайлов округидан ўрни бўшаб қолган депутат ўрнига ягона номзод қилиб Лола Хўжаевани кўрсатишди.

— Ҳамюртларимнинг бу ишончи дилимга ғурур бағишласа, иккинчи томондан бутун вужудимни ваҳима чўлғаб олди, — дейди Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Лолахон Хўжаева. — Ахир, вилоятнинг биринчи раҳбари уддалай олмаган ишни мен қандай қилиб ўрнига қўяман. Аёл бошим билан қайси вазирликлар, идораларга бориб, сайловчиларимнинг наказларини бажарилиши учун бош ураман, деб номзодимни қўйишга рўйхушлик бермагандек бўлдим. Лекин она қишлоғим сариқандалик дўстларим-дугоналарим, 8 йилдан бери мен билан бирга ҳамфикр, ҳамқадам бўлиб меҳнат қилҳаётган жамоамиз аъзолари менга руҳан мадад беришди. Айниқса, сайлов куни мутлоқ кўп овоз олганлигим, сўхликлар билдирган катта ишонч барча ғуборларимни ёзиб юборди, кучимга куч, қувватимга қувват қўшилди.

Лолахон Сўх фарзанди. У Сариқанда қишлоғидан Тоён қишлоғига келин бўлиб тушгандан бери «Сўх» совхозининг маскур қишлоқдаги далаларида меҳнат қилади. 1985 йилда анчи оқсаб қолган жамоага Лолахон етакчи қилиб тайинланди. Бутун вужуди билан ишга берилиб кетди. Айниқса, ундаги тиришқоқлик, ўжарлик, қаерга борса ишни бнтказмагунча тинмб-тинчимаслик фазилати ҳамқишлоқларн орасида ҳурмат-эътибор топишига, эл ҳурматинн қозонишига сабабчи бўлди.

Мана, унинг халқ ноиби қилиб сайланганига ярим йилдан ортиқ вақт ўтди. Лекин шу қисқа вақт ичида собиқ депутат икки йил ичида уддалай олмаган ишлар маромига келиб бажарилди. Қалъача қишлоғидаги болалар боғчасига келажагимиз эгалари — жажжилар қатнай бошлади. Маблағ йўқлиги учун тўхтатиб қўйилган Чашма қишлоғидаги 420 ўринли мактаб биносини қуриш яна бошлаб юборилди. Туман марказидаги ёш табиатшунослар ва ўлкашунослар станциясининг биноси ҳам яқин кунларда фойдаланишга топширилади.



Сўх туманидан «Халқ сўзи»нинг вилоят бўйича махсус мухбири Набижон СОБИР ҳикоя қилади

Жамоанинг 55 гектар майдони бор. Шундан 37 гектарни боғларни ташкил этади. Қолган майдонларга эса асосан картошка экиб келинмоқда. Мана, 8 йилдирки, картошка тайёрлаш топшириғи муттасил пешқадамлар сафида ўринлатиб келиняпти. Бу йил ҳам 12 гектар майдонга уруғ ташланган эди. Ҳозир бригада аъзоларининг қўлн-қўлига тегмайди. Етиштирилган ҳосил пешма-пеш йиғиштириб олиниб, савдо дўконларига етказиб бериляпти. Йил бошида 186 тонна картошка йиғиштириб олиш мўлжалланган эди. Ҳосил чўғи эса бу марралан ўзилиб, ялпи хирмон 250 тоннадан ортиб кетишини кўрсатмоқда. Агар бу марра забт этилса, Тоён кенгликларида биринчи бор 200 центнердан ошириб ҳосил йиғиштириб олинади. Бундан ташқари 3 гектар майдондаги буғдой, 2 гектар ердаги уруғлик пиёз, ва сабзи ҳосили ҳам кутилганидан мўл бўлди.

Тоёнликлар бу муваффақиятларнинг барчаси халқ депутатининг омади эканлигини алоҳида таъкидлашяпти. Депутат эса эришилган ютуқлар у билан бирга қўлни-қўлга бериб, меҳнат қилаётган Меҳмонали Болтоев, Марҳабохон Неъматова, Юлдузхон Юнусова, Хайринисо Ҳасанова сингари ишчиларнинг фидокорлиги, Лолахонни қўллаб-қувватлаганликларининг маҳсули эканлигини алоҳида таъкидлашмоқда.

Тоён кенгликларида Ўзбекистоннинг «Сўх» ва Қирғизистоннинг Баткен туманидаги «Тоён» ширкати соҳибкорлари, деҳқонлари мўл ҳосил етиштириш йўлида қўлни-қўлга бериб меҳнат қилишмоқда. Икки қўшни хўжалик ўртасида деярли чегара йўқ. Улар бир ҳатлаб ўтса бўладиган ариқчани рамзий чегара деб билишади. Сўхликларнинг бирор-бир маросими тоёнликларсиз ўтмайди. Сўхликлар эса тоёнликларнинг тўйида энг ҳурматли меҳмон ҳисобланишади. Буғдой ўрими пайтида Тоён ширкатининг комбайнлари сўхликларнинг ҳосилини тўла ўриб беришди.

Депутат ўтган йилги Тожикистон воқеаларида ҳам қатънят кўрсатди. Тожикистондан келган исломпараст элчилар «ахир сизлар ҳам тожиксизлар, бизларга ёрдам беринглар», деб аюханнос солишганда Лола Хўжаева сингарн қатъиятли, обрўли кишилар бу кутилмаган «элчилар»ни ортларига қайтариб юбордилар.

Ҳозирги кунда депутат Сўх картошкасининг илгариги шуҳратини тиклаш ҳаракатида юрибди. Ахир, Сўх воҳаси нафақат Фарғона водийсининг, балки бутун Марказий Осиёнинг картошка ватанларидан бири ҳисобланади. Картошкани бу ерга 1898 йилда Россиядан Мулла Ботир деган савдогар олиб келган экан. Дастлаб бу ўриснинг овқати деб кўпчилик истеъмол қилишдан ҳайиққан экан. Асримиз бошларида эса Сўх бутун водийга картошка етказиб берадиган воҳага айланди. Лекин сўнгги йилларда пахта монополияси сингари картошка монополияси ҳам воҳанинг тупроқ структурасини ўзгартириб юборди. Ахир, жами экин майдонларининг 80 фоизига картошка экилгандан сўнг нима ҳам қутиш мумкин? Ҳатто 70-йилларнинг бошларида Германиядан «Берлехенген» навли картошка олиб келиб, 500 центнергача ҳосил олинган экан. Лекин тез орада бу олий нав картошка ҳам жайдарилашиб кетди. Ҳозирги кунда ҳўжаликда Президентимизнинг ташаббуси билан олиб келинган Голландия картошкаси экилмоқда. Ўтган йили шу навдан 7 гектарга тажриба тариқасида экилган эди. Ҳар гектар ер 400 центнер атрофида ҳосил берди. Шунинг учун ҳам бу йил 140 гектар майдонга Голландия картошкаси экилган.

Халқ ноибининг ҳисоб-китоблари пухта. Ҳозир туман бўйича 1000 гектар майдонга картошка экиляпти. Ўртача ҳосил 100 центнер атрофида. Туман бўйича белгиланган режа эса — шунга яраша — 10.000 тонна. Агар Голландия картошкасидан ҳозир картошка экилаётган майдонларнинг ярмига — 500 гектар майдонга экилиб, энг паст кўрсаткич 300 центнердан ҳосил олинса ҳам ялпи ҳосил 1,5 бараварга кўп — 15 минг тоннага етар экан. Қолган 500 гектар майдонга эса бутун дунёга донғи кетган Сўх ғалласи ва бошқа экинларни экиш мумкин.

Халқ депутати ана шундай ғоялар фикри билан яшаб, меҳнат қилмоқда.

ҚАҲРАМОНЛАРИ ВУТ ЭЛНИНГ...

Сўх нафақат ўзининг ширин-шакар боғ-роғлари, ажойиб сабзавот, полиз маҳсулотлари билангина эмас, балки кўпни кўрган, доно оқсоқоллари, пиру-бадавлат момолари билан ҳам маълум ва машҳурдир. Сўх табиатан ҳуш ҳаво, экологик тоза минтақа бўлганлиги учун ҳам бу ерда яшовчиларнинг ўртача умри водийдагиларга нисбатан 10-15 йилга узун бўлади. Воҳанинг ҳар бир қишлоғи, маҳалласида 100 ёш ва ундан ошган кишиларни кўплаб учратиш мумкин.

Фақат шугина эмас. Бизни ана шу асрга тенгдош кишиларнинг қувваи ҳофизаси ўткирлиги, асрнмиз бошидаги воқеаларни ҳам гўё кечагидек ҳикоя қилиб бериши ажаблантирди.

Мелибой ака Маннонов ана шундай, хотираси ёш йигитникидан қолишмайдиган оқсоқоллардан бири экан. У билан бўлган суҳбатимизда бундан 60-70 йил илгариги воқеаларнн гўё кечагидек қилиб ҳикоя қилиб беришидан у кишига тасаннолар ўқишдан бошқа илож тополмадик. 8 фарзандни вояга етказган, 70 га яқин невара-чеваранинг бобоси бўлган бу отахоннинг бутун умри меҳнат билан ўтган.

— 30-йиллар, коллективлаштириш бошланган кезлар эди, — деб ҳикоя қилади Мелибой ота. — Биз ҳам четда қараб туролмадик. Қишлоғимизда «Меҳнат» деб номланган жамоа ширкатини туздик. Мени комсомолларга етакчи қилиб тайинлашди. 1935 йилга келиб эса дастлаб Қодиров, сўнгра эса «Тонг юлдузи» жамоа хўжаликларига раислик қилдим. Сўхнинг табиати пахта етиштириш учун анча паст. Тўғри, бир пайтлар воҳанинг шимолий қисмида пахта ҳам экилган. Лекин биринчи теримдан сўнг майдонларни қор босиб қолган экан.

Ўша йиллари пахта мустақиллиги учун кураш урф бўлган эди. Бундан биз сўхликлар ҳам четда қараб туролмадик. Ёш-ялонглар бирлашиб, водийга тушдик. Марказий Фарғонада қишлоғимиз номи билан аталадиган жамоа ташкил этдик. Мен ана шу хўжаликка салкам 20 йил раҳбарлик қилдим. Шайх Саъдий айтганидек; «Бу ерда насибам тугаб ногоҳон, Ватан ишқи тортди ўзга томон». Шундай қилиб, яна ўз она қишлоғимга қайтиб келдим. Худога шукур, кам бўлганимиз йўқ. Яна одамлар ишонч билдиришиб, мени қишлоғимиз мингбошиси қилиб тайинлашди.

Маннон ота юртимизнинг барча биринчи раҳбарлари билан бўлган учрашувларни ҳис-ҳаяжон билан эслайди. У 30-йилларнинг ўрталарида Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевлар билан мулоқотда бўлган. 1943 йилда эса Усмон Юсуповни Фарғонадан Сўхга бошлаб келган ҳам мана шу тинибтинчимас инсон экан. Унинг ташаббуси билан ўша йиллари машҳур бўлган сўхликларнинг улуғ Ватан уруши фронтларида жанг қилаётган юртдошларига хати ташкил қилинган. Бу хат матнини эса Акмал Пўлат тайёрлаган экан.

— Усмон ота ажойиб киши эди, — деб хотирлайди Маинон ота. — У Сўхга келгандан сўнг бутун воҳани айланди. Айниқса, Ҳушёр тарафларида ер кўпу, сув йўқ эканлигини кўриб, бу муаммони ҳал этиш йўлларини ўйлаб қолди. Ахир, бутун водийнинг ярмини суғораётган азим дарё пастда шовуллаб ётибди-ю, кафтдек текис тупроғи олтинга тенг Ҳушёр ерлари сувсизликдан қақраб, нажот кутмоқда. Тўғри, сўхликлар минг йиллар давомида Ҳушёр ва Тоён кенгликларига сув чиқариш учун ҳаракат қилишган. Бунинг учун тераклардан бир неча қават новлар барпо этилган. Афсуски, шунча ҳаракат билан бор-йўғи 10-15 гектар ерга сув олинган. Усмон ота эса бу муаммони ҳал этишга бошқош бўлди. У кишининг саъйи ҳаракати туфайли Сўх дарёсига кичик тўғон барпо қилинди. Саритала тарафларидан тоғ бағри ўйилиб, сув олиб келинди. Ҳозирги Ҳушёр ширкат хўжалигининг далалари ана шу анҳордан сув ичиб баҳраманд бўлмоқда.

Ўшанда Усмон ота Ўзбекистон дунёнинг энг олис олди давлатларидан бири бўлади, деб тилак билдирган эди. Мен Усмон ота этадаги шижоатни, келажакни олдиндан кўра билиш қобилиятини ҳозирги Президентимиз Исломжонда ҳам яққол кўряпман. У киши ҳам ўзининг бутун умрини ҳақ йўлига, халқ ишига тиккандардан экан. Уни қўйинг — буни қўйинг. Бир томонимиз Қирғизистоннинг Баткен, иккинчи томонимиз эса Тожикистоннинг Исфара туманларига туташиб кетган. Ҳозир қўшниларимиз қандай ҳаёт кечираётганлигини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз. Уларнинг ҳаммаси Сўх бозорига келиб, камикўстларини битказиб кетишяпти. Қийинчиликлар ҳақида гап очилса, бошни қуйи эгиб эшитиб турамиз. Кўлимиздан нима ҳам келарди.

Уларни қизғатгандан сўнг эса юртимиздаги осойишталик, тинчлик, ҳамда тўкин дастурхон учун ҳурматли Президентимизга мингдан-минг раҳматлар, айтамиз. **Ўзбегу тожикнинг яхши бир мақоли бор: «Қаҳрамонларн бут элнинг ошиғи олчи бўлади». Каримовдек миллатнинг фахри бўлган қаҳрамонлар бор экан, юртимизда осойишталик, дастурхонимизда барака бўлади. Мингбоши сифатида барча маросимларда, тўй-маъракаларда иштирок этишга тўғри келади. Ҳамма ерда «Президентимизнинг омадини тиланглар, у кишининг умри узоқ бўлсин» деб дуои фотиҳа қиламиз.**



Сўхнинг кўпни кўрган оқсоқоли Мирзабой ота САНГИНОВ.

Мен бир асрга яқин умр кўрдим. Ўтган умримни, босиб ўтган йўлларимни солиштириб кўришни хуш кўраман. Одамларнн одамларга қиёслайман. Ҳозирги юртбошимиз ўша мен ҳамсуҳбат бўлган Акмал Икромов, Усмон Юсупов, Шароф Рашидов сингари ўзбек халқининг чинакам фидойи ўғлони, юрт қаҳрамони эканлигига тўла ишоч ҳосил қилдим.

Маннонбой отанинг фикрини 90 ёш остонаснн ҳатлаб қолган Мирзабой Сангинов ҳам тўла қўллаб-қувватлади:

— Энг муҳими, дастурхонимиз тўкин. Мана тўйларни олиб кўринг. Бирор нарса кам бўлаётгани йўқ. Уйимиздан меҳмон аримайди. Мен 30-йиллардаги очарчиликни яхши эслайман. Агар нон бўлмаса, бутун дунё кўзингизга қоронғу бўлиб кетади. Бу муқаддас неъматнинг ўрнини босадиган ҳеч нарса йўқ. Оилада оқшом пайтлари товоқ-товоқ гўшт пиширилар эди. Лекин нон йўқлиги учун ҳеч ким товоққа қўл ургиси келмасди. Ҳознр собиқ иттифоқнинг қайси мамлакати ҳақида гап кетмасин, етнишмовчилик, инқироз, уруш-талашишлар тилга олинади. Бизда эса осойишталик, энг муҳими, нон сероб, Бунинг устига энг арзон, шуларнинг барчаси учун Президентимиз Ислом Каримовга, катта раҳмат!

БИР ДАРЕГА ТУТАШ ТАҚДИРЛАР

Отахонлар билан ширин мулоқотдан сўнг ҳикоямнз бошида тилга олган Худоёрхон қалъасинн бориб кўриш учун Сўх дарёсининг бошланишига йўл олдик. Ҳамроҳларим бу тарнхий манзил унча узоқ эмас, Сўхдан 30—35 километр тоғ нчкарисида дейишганди. Лекнн дарё ёқалаб кетган, қоялардан ўйиб олинган илон изи йўлларидан юришнинг ўзи бўлмас экан. Сўх тумани тугаб, Қирғизистоннинг Тоён, Ровут, Абуғул қишлоқлари ҳам ортда қолди. Ва ниҳоят йироқда қоялар устида мағрур турган қалъа кўз олдимизда намоён бўлди. Менга бу манзара киноларда кўрадиган Англия ороллари, Швеция қояларидаги сирли қалъаларни эслатарди.

Ҳақиқатан ҳам бу тарнхий обидага етиб келгандан сўнг фикрим тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Қалъа азим тоғ бағридан ажраб чиққан қоя устнга шундай чиройли қилиб бунёд этилганки, ўтган асрда яшаган ота-боболаримизнинг меъморчилик усулларига яна бир бора таҳсинлар айтгимиз келади. Қалъа деворларн гўёки қоя деворларининг давомидай кўкка бўй чўзган. Айтишларича, қалъани Худоёрхон бутун водийдан усталар чорлаб, 300 метр пастда шовуллаб ётган Сўх дарёсидан пақирлаб сув ташитиб барпо қилган экан. Қалъани рамзий маънода икки қисмга—ички ва ташқи қалъага бўлиш мумкин. Ички қалъа ташқи қалъадан чуқур жарлик билан ажраб турган. Ҳозирга келиб ички қалъани суғориш учун ташқи қалъадан сув олиб ўтилган. Қалъа бино қилинганда эса ички ва ташқи қалъани фақат 8—10 метрлик осма кўприк боғлаб турган, холос.

Биз шу ерда қалъанинг ҳақиқий билимдонларидан бири Акбарали ота Амиралиев билан суҳбатлашиб қолдик. У кишининг саъйи ҳаракати билан ички қалъада 5 гектар, ташқи қалъада эса 6 гектар боғ барпо қилинган. Боғлардаги олмалар, беҳилар ноклар шиғил пишган. Нақшинкор қандил олмалар кўзни қамаштиради. Нокларни эса еган сарингиз егингиз келади. Акбарали отанинг таърифича, бу қалъани Худоёрхон душманлардан яширинш учун эмас, балки Қўқон хонлигини, Фарғона водийсини жанубий мамлакатлар Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Хуросон билан боғлайдиган йўлдаги муҳим Кент сифатида барпо этган экан. Отанинг айтишича, бир вақтлар олис Хитойдан воднйга келиб тушган туялар карвони Сўх воҳаси орқали айнан шу ердан олис жануб юртларига, мамлакатларига йўл олган. Бошқача қилиб айтганда, Буюк ипак йўлининг бир тармоғи мана шу ердан ўтганлигига тўла ишоич ҳосил қиласан.

Суҳбатимиз ўз-ўзидан ҳозирги турмуш муаммоларига, иқтисодий қийинчиликларга уланиб кетди. Акбарли ота улуғ Ватан уруши фронтларида жанг қилиб, Францияга борган, урушни эса олнс Манжурияда тамомлаган экан. Шунинг учун ҳам сиёсий мавзулардаги суҳбатлари ҳам эътиборни тортади.

— Яхшиямки, ўзбекистонлик ҳамюртларимиз бор экан, оч-наҳор қолганимиз йўқ. Борини баҳам кўриб турибмиз. Лекин республикамиздаги айрим «демократ»лар халқ фаровонлигини ўйлашдан кўра ҳокимият учун курашни маъқул кўришгандн. Қирғизистондаги ҳознрги иқтисодий танглик кўп жиҳатдан ана шу калтабинликнинг оқибати деб ўйлайман.

Ўзбекистонда эса бунинг акси. Биз Сўх воҳасидаги ўндан ортиқ қишлоқ фақат Тошкент телевиденнесининг кўрсатувларини кўрамиз. Бишкекдан телекўрсатув олиш учун мослама ўрнатилмаган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистондагн барча воқеалардан, ижобий ўзгаришлардан хабардормиз. **Айниқса, Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллиги жуда зўр нишонланди. Менга Президент Ислом Каримовнинг қатъиятлилиги, юрт учун фидойилиги жуда ёқади. Юртбошимиз зўр одам!** (Акбарали ота ўнг қўлининг бош бармоғини баланд кўтаради. Ун шу туришда суратга олдик. Сурат 1-саҳифада берилган).

Умуман Сўх воҳаси тўрт тарафдан Қирғизистоннинг Баткен, Қадамжой туманлари, Ҳайдаркон шаҳри билан чегарадош. Қирғизистон билан боғлиқ 30 дан ортиқ йўл борғина эмас, балки қишлоқлардаги маҳаллалардаги уйларнинг томлари томларига ҳам туташиб кетган. Бу икки халқни, қўни-қўшининн ҳеч қачон айрича тасаввур қилиб бўлмайди.

Қадамжой туманндаги «Бургандн» совхози директори Олмос Умаровнинг таъкидлашича, «Қирғизу тожик, ўзбегу-қирғиз бир эт билан бир тирноқ». «Бургандн» совхози илгари тўласича чорвачиликка ихтисослаштирилган эди. Ҳозирга келиб эса улар риштонликлар ёрдамида 50 гектар ерга пахта экишди, сўхликлар эса 10 гектар ерга экилган картошкани парвариш лаш, йиғиштирнб олишда бош-қош бўлишди.

Сўх воҳаси ана шундай ўзига хос табнатга, урф-одатга эга бўлган воҳадир. Туманда аҳолининг 99 фоизини тожиклар ташкил этади. Лекин ўша ўтган йилги таҳликали Тожикистон воқеаларида ҳам ҳеч ним миллатфурушларга ҳамфикр бўлгани йўқ. Сўхликлар ўзларини мустақил Ўзбекистоннинг ажралмас бир қисми сифатида эътироф этадилар. Порлоқ келажак сари, буюк давлат сари ҳамқадам, ҳамфикр эканликларини қайта-қайта таъкидлашади.



Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Лолахон ХЎЖАЕВА.



Туман ҳокими Баҳодир ОБИДЖОНОВ, «Сўх» давлат хўжалиги бошлиғи Ҳакимжон СЎФИЕВ ва Қадамжой туманидаги «Бургандн» совхози директори Олмос УМАРОВлар ўзаро суҳбатлашишяпти.

Суратлар муаллифи Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ.

Абдусамад НУРБОЕВ.

ИЙМОН

(ДОСТОНДАН ПАРЧА)

I

Тўлганиб уйғондим, саҳар-саҳарда,
Ҳали уйғонмаган улкан шаҳарда.
Ёмғир жимир-жимир, ёғиб турарди,
Уйладим, бу ёғи энди баҳор-да.
Бироз очиб қўйдим деразаларни,
Шаббода сийлагин дарпардаларни.
Дилимда чарх урган янги асарнинг,
Ёзила бошлади, илк парчалари.
Секин-секин бутун шаҳар уйғонди,
Ўғлим, қизим ширин-шакар уйғонди.
Яхшиям сен борсан, эй, она офтоб,
Тириклик, мавжудот такрор уйғонди.
Уйғонмоқ асли шу, энг олий неъмат.
Умр-умрондаги елканли кема.
Уни Оллоҳ ўзи бошқараверар,
Эй, инсон умрингнинг ғамини ема.

II.

Ортда қолди яна бир тоза саҳар,
Шовқинларга тўлди улкан бу шаҳар,
Аралашиб нопок, поку рост, ёлғон,
Кўчага ошиқар, кўчага чопар.
Бекатда турибди, ана, рост, ёлғон,
Нопок ҳам шу ерда, пок ҳам қаққайган.
Тиқилинч автобус тўхтади, юрди,
Ким бўлди, ким бўлди, чиқолмай қолган.
Балки у нопокдир, балки у покдир,
Балки у бечора беморроқдир.
Ҳеч кимнинг иши йўқ, ўзи чиқса бас,
Онадир ва ёки у оғир оёқдир.
Аралаш-қуралаш борар кўпчилик,
Имонли, имонсиз, катта ва кичик.
Кимдир боласини ошчлаб олган,
Бир хоним қўлида жилпанглар кучук.
Мўйсафид нанд ўқир у таннозчага!
«Ўйпатсанг бўларди итни кўчада.
Ахир бу автобус, жамоат жойи,
Она бўлгуликсан уч-тўрт баччага».
Халойиқ бепарво, оломон жим-жит,
Хезланиб қўйди шўхталанган ит.

Жиловни бўлмаса шу мўйсафиднинг
Нақ бўғзидан олиб қўйгудай нобуд.
Бу биринчи бекат, илк лаҳзалардир,
Кун бўйи не куйга солади тақдир.
Саракни саракка, пучакни пучга
Ажратиб ташлайди вақт деган ғалвир.

III.

Кўчалар, кўчалар равон ва текис,
Бир ёнда райҳону бир ёнда ялпиз.
Шу жойлардан ўтган одам ўзини
Жаннатда юргандай қилгусидир ҳис.
Айниқса, мустақил Ўзбекистонда,
Ҳур ўлкада, дориломон замонда.
Юртбошисин бутун дунё тан олган,
Алпомишдай сардор, ширин замон-да.
Энди бу эл, ўз йўлидан қайтмагай,
Ўз сўзи бор, ўзга сўзни айтмагай.
Омонлик байроғин, тинчлик туғини,
Бошн узра тутар, қўлдан қўймагай,
Аслида бу юртнинг жаннатлиги рост,
Ҳавоси топ-тоза, бўлгудай сармаст.
Бир вақтлар ўлкага куфр уруғин
Тақдирнинг шамоли элтган қасдма-қасд.
Едим лавҳасига ёздим ўтмишим,
Бир-бир айтолмадим, ёвлар қилмишин.
Лекин ҳийла билан зимдан иш қилган
Евларни ҳамиша Худо қарғаган.
Худо қарғаганни, пайғамбар туртган,
Аёл сийлаганни Худо сийлаган.
Мусулмон эрлари аёлларини
Жуда ҳурмат қилган, севган, сизлаган.
Аёл — оташдан, нурдан яралган,
Вужудидан мушку анбар таралган.
Меҳр кўрсатилган, эъзоз қилинган,
Она деб, сингил деб, ёр деб қаралган.
Ҳўп нозик, иболи, ҳаёли бўлган,



Моҳларойим каби энёли бўлган.
Фарзандларга она, рўзғори чироқ,
Евқур бир йигитнинг аёли бўлган.
...Гўё авлодлари кам бўлган эмиш,
Гўё тез сарғайиб, тез сўлган эмиш.
Улуғ оғаларнинг марҳамати-ла,
Гўё эрлар билан тенг бўлган эмиш.
Энди бу очиққа ҳақорат эди,
Галдаги қип-қизил «маҳорат» эди.
Паранжиси билан ҳаёсин қўшиб,
Оловга итқитиш жасорат эди.
Саводли аёлга «сабоқ» берилди,
Бир гулдай жуссага дастгоҳ берилди.
Нозик қўлчаларга зим-замбил кетмон,
Юз-икки юз қўю таёқ берилди.
Ана энди эрлар билан тенглашди,
Ҳатто мажлисларда туриб кенгашди.
Шайтон аралашди Раҳмон ишига,
Сиз дегувчи тиллар, секин сенлашди.
Ўтмиш баҳонаси — бугундай айтай,
Жилоланиб оқар пиёлага май.
Майхона тубига чўкиб ўтирар,
Бир гўзал муслима, юзлари ширмой.
Алҳазар, алҳазар, яна алҳазар;
Қўлларида қадаҳ, кийимлари зар.
Уйида боласи кутар жовдираб,
Аёл сийнасига тўлмоқда заҳар.
Кийимлар антиқа, қошлар қалдирғоч,
Тубидан қирқилган икки ўрим соч.
Ўзимча уларга ниҳон тилайман,
Аёл, бу не ҳол, кўзларингни оч?!

Спорт. Спорт. Спорт

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА

КИКБОКСИНГ бўйича Осиё чемпионати якунланди. Бу иккинчи чемпионат Евроосиё кикбоксинг федерациясининг рухсати билан Челябинск шаҳрида ўтказилди. Жамоа ҳисобида 12 медални (9 таси олтин) қўлга киритган Россия спортчилари биринчи ўринни эгаллашди. Қозоғистон кикбоксингчилари эса иккинчи бўлишди.

Албатта, бу мусобақада республикамиз спортчилари ҳам иштирок этишди. Лайт-контакт бўйича тошкентлик М. Таласбаев (63 кг) ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.

ОМАД ЮЗ ЎГИРДИ

ХАЛҚАРО миқёсдаги йирик мусобақалардан спортчиларимизнинг қандайдир соврин билан қайтишига кўникиб қолдик. Албатта, бу республикамиз спортининг жаҳон майдонига дадил қадам билан кириб бораётгани, юртимизда бу соҳага катта эътибор берилаётганлиги самарасидир.

Дзюдо бўйича Канадада ўтказилган 18-жаҳон чемпионатига ҳам саккиз спортчимизни катта умид билан кузатиб қолгандик. Бироқ, бу сафар Одил Хушвақтов, Сергей Раҳимов, Армен Богдасаров, Шуҳрат Ғофуров, Рустам Эргашев, Олимжон Маҳмадназаров, Дмитрий Соловьёв, Наталья Андан иборат жамоамиз Гамильтондан қуруқ қайтишди.

Умумжамоа ҳисобида Япония дзюдочилари ҳаммадан кўп медалларни қўлга киритишиб, жаҳон чемпионатида ўзига хос нуфузга эга бўлишди.

ХФФ АЪЗОЛАРИ ТОШКЕНТГА КЕЛАДИ

ТОШКЕНТГА Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) биринчи котиби Блаттер номидан телефакс келди. Унда айтилишича, шу йил ноябрь ойининг бошида ХФФ ва ОФК (Осиё футбол конфедерацияси) вакиллари юртимизга ташриф буюришади.

Улар ватанимиз футболи, ўйинчоҳлар аҳволи билан танишадилар. Ҳукумат раҳбарлари билан музокарада бўлишади.

Ажабмас, шундан сўнг бизнинг Миллий футбол федерациямиз ҳам ХФФ га аъзоликка қабул қилинса. Мухлислар ўн йиллар орзиқиб кутган Ўзбекистон футболининг жаҳон майдонига чиқадиган кунлари яқинга ўхшайди. Албатта бу кўпроқ республикамизга ташриф буюраётган ХФФ аъзоларининг футболимиз аҳволига берадиган баҳосига боғлиқ. Делегация аъзолари қуйидаги атоқли футбол мутахассисларидан иборат: Велаппан (Малайзия), Винсент Монье (Франция), Фарух Бузо (Сурия), Рам Руфи (Маврикия).

МИЛЛИОН «СПАРТАК»-ДАН ҲАМ УСТУН КЕЛДИ

НАВБАТДАГИ турда собиқ пахтакорчи А. Пятницкий жамоасини қабул қилган «Ротор» клуби ҳомийлари мезбонлар сафидаги энг яхши ўйинчига бир миллион сўм ваъда қилди. Лекин жамоанинг барча футболчилари бу учрашувда бирдек фаол ҳаракат қилиб, «Спартак»ни (Москва) 1:0 ҳисобида маглубиятга учратди. Миллион эса барча ўйинчиларга тенг тақсимланди.

ВАЪДАЛАР ҲАТТА, ЛЕКИН...

ХАЛҚАРО шоҳмот федерацияси А. Карпов ва Я. Тимман ўртасидаги тўхтаб қолган жаҳон биринчилиги 16 октябрдан яна давом этажагини билдирди. Шунингдек, ХШФ иккинчи қисмда иштирокчиларнинг мукофот жамғармаси бир миллион швейцар франкидан кам бўлмаслигини ваъда қилаяпти. Лекин турнирнинг қаерда давом эттирилиши ҳанузгача номаълум. Эслатиб ўтамиз, бу учрашувда Карпов 7:5 ҳисобида олдинда бораётган бўлса, Лондон жаҳон чемпионатида мезбон — Шорт Каспаровга 3,5:8,5 ҳисобида ютқазаяпти.

Р. ЖУМАЕВ.
«Халқ сўзи» мухбири.

Қишлоқда ислоҳат қандай бораяпти?

ҚАРШИЛИК ҲУНАРМАНДЛАР

Эшонқул Жўра бобонинг бешинчи фарзанди, оилавий муҳит сабаб, ёшлигиданоқ миллий чолғу асбоблари дунёсига ошно бўлиб ўсди. Мактабда ўқиб юрган пайтидаёқ дераза ромлари, эшик ясай бошлаганди.

— Биз турғунлик йиллари деб атаётган пайтларда ҳунармандлар ишига етарли эътибор берилмасди, — дейди Эшонқул Жўраев. Ҳатто, баъзи қўли гул усталар «савдогар» сифатида жазоланди. Уларга солиқлар солинди. Ҳозир эса вазият бутунлай бошқача. Аниқроғи, ҳунарли хор бўлмайдиган давр. Қўлидан келган киши кичик корхона очиб ҳунари орқасидан қўшимча даромад олаяпти Биз ҳам ўтган йили «Ишонч» кичик корхонаси ташкил этган эдик. Унда беш киши, асосан ишдан бўш пайтларда миллий мусиқа асбоблари —афғон рубоби, танбур, тор, ғижжак, дутор ва доира тайёрлаймиз. Ўтган йилнинг ўзида 56 минг сўмлик маҳсулот сотдик. Қарши дорилфунини мусиқа кафедраси ва Қарши қишлоқ хўжалик техникуми талабаларига битадан тор ва танбур совға қилдик.

— Мусиқа асбобларини яратиш ўта нозик иш бўлиши билан бирга ниҳоятда машаққатли ҳамдир —дейди, корхона ишчиси Акбар Жумаев. — Асбобларни ясашда фақат маҳаллий хом ашёдан фойдаланамиз. Қишлоқма-қишлоқ юриб тут, ёнғоқ, зардоли дарахтларининг ғўлаларини топиб, уларни қуритиб пардозлаймиз. Бунинг нафислигига эътибор беринг-а.

— Овознинг жарангдор ва тиниқлиги асбобнинг оғир-енгиллиги, қалин ва юпқалиги булар барчаси хомашёнинг пишиқлигига боғлиқ — дейди Эшонқул Жўраев танбур торларини чертиб.

Киши ҳаётда янги-янги мақсадлар билан яшайди. Эшонқул Жўраевдан бу ҳақда сўраганимизда у шогирдлари билан шу кунларда «Қонун» асбобини яратиш устида изланиш олиб бораётганлигин айтди. Бу асбоб шу пайтгача республикамизга фақат Озарбайжондан келтирилган. Ажаб эмас яқин орада Қашқадарёда яратилган дастлабки «Қонун» мустақил республикамиз мусиқа асбоблари тарихидан жой олса.

Яқинда вилоят ҳокимлигида ҳунармандлар йиғилиши бўлди. Унда қандолатчи, бешиксоз, сандиқсоз, этикдўз, каштачи, сўзаначи, дурадгор, асаларичилар қатнашдилар. Эшонқул Жўраевлар оиласидан эса беш ҳунармад таклиф этилган эди. Улар ҳунар ва ҳунармандлар ҳақида гапиришиб, ўз отаси Жўра бобо номини абадийлаштириш мақсадида «Жўра Саттор» кичик корхонасини очмоқчи эканликларини маълум қилишди. Бу истакни вилоят ҳокимлигидаги масъул ходимлар ҳам қўллаб-қувватлашди.

Шохдор, Шомурод, Эшонқул, Рўзи ва Қўзи Жўраевларнинг ҳар бири турли корхоналарда меҳнат қилишади. Ишдан сўнг, дам олиш кунлари эса уйларидаги тегирмонда кимнингдир донини ун қилиб беришади. Автомобилларни таъмирлайди. Механизациялашган кўчма идорада электрчилик қилаётган Қўзи радио торларини тузатади. Рўзи эса давлат хўжалигида механизаторлик қилиш билан бирга ҳовлисидаги бир сотих жойда иссиқхона қуриб, 16 туп лимон ўстираяпти Ундан ҳар йили ўртача 3 тонна ҳосил олиб, халқимиз дастурхонининг тўкин бўлишига муносиб ҳисса қўшиб келаяпти. Ўтган йил Қарши асосий каналидан ёнилғисиз сифон вакуум билан ишлайдиган сув чиқариш ускунасини ихтиро қилди. Бу янгилик «Ўзбекистон мустақиллиги» жамоа ширкат хўжалигига катта иқтисодий фойда келтирди.

П. ГАДОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Муштарий таклиф этади

«ЯНГИЛИК— БУ УНУТИЛГАН ЭСКИЛИК»

Ширинликлар танқис бўлиб турган ҳозирги шароитда қанд лавлагидан тайёрланган шинни одамларнинг қандга бўлган талабини бемалол қондириши мумкин.

Маълумки, ота-боболаримиз шакарга нисбатан кўпроқ қувват берадиган қанд лавлаги қиёмини истеъмол қилишган. Қанд лавлаги қиёмини тайёрлаш унчалик мураккаб эмаслиги билан бирга ҳадемай сахий куз бошланиб, қанд лавлагилар ҳосили йиғиб олиниши олдидан бу ҳақдаги билганларимизни ўртоқлашиш фойдадан ҳоли бўлмаса керак.

Даладан келтирилган лавлаги тоза ювилиб, пўсти юпқа қилиб арчилади. Сўнгра палов сабзига ўхшатиб тўғралади. Катта қозонга солиб устидан лавлагига нисбатан кўпроқ сув қўйилади. Кейин олов ёқилиб лавлагининг барча шакари сувга чиққунча ўрта даражада қайнатилади. Сўнгра қайнатма тоза докада сузилиб, шакарли сув яна қозонга солиб қайнатилади. Ортиқча сув буғланиб, қозон остида қуюқ, ранги оч-қўнғир, тилни ёрар даражада ширин қиём тайёр бўлади.

Абу Али Ибн Сино башоратларига қараганда лавлаги шинниси белни қувватлаб, меъда фаолиятини яхшилар экан.

Аслида шиннипазлик билан шуғулланиш халқимиз орасида қадимдан маълум. Ҳар қандай янгилик тагида унутилган эскилик ётади, деб бежиз айтишмаган.

Деҳқон (фермер) хўжаликлари кичик қайта ишлаш цехлари қуришиб шиннипазликни йўлга қўйсалар аҳоли учун фақат фойдадан ҳоли бўлмасди.

И. САЛОМОВ,
иқтисод фанлари номзоди.



Сиз ушбу тасвирда кўриб турган масканТошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманидаги Отажонов номли давлат хўжалигида жойлашган. Санаторий-профилактория бир йўла 30 киши бепул даволаниш имкониятига эга. Дов-дарахтлар билан бурканган сўлим маскандадаволанувчилар турли хил муолажа турларидан дардларига малҳам топишмоқда.

Тасвирларда санаторий-профилакторияниг ички ва ташқи кўринишлари акс этган.

Ш. ИБРОҲИМОВ тасвирлари.

• Обуна—94

«Халқ сўзи»—Сизнинг газетангиз

Кекса отахон ҳассасини дўқиллатиб таҳририят остонасидан ҳатлади:

— Болам, Президентимизнинг пенсионерларга имтиёзлар бериш ҳақидаги қарори чиқибди газетингларда, бир дона беринг. Киоскаларда қолмабди-я. Бошқа газетларда кеч босилармиш...

Орадан икки кун ўтмасдан ўша отахон таҳририят дарвозасини яна тақиллатди:

— Газетингларда вазир кечаги фармонни шарҳлаб берганмиш, ҳеч жойдан тополмадим. Шу ерда бир танишиб чиксам бўладими?

Бу қутлуғ макондан одамларнинг қадами узилмайди.

— Чет эллик ватандошларингизмиз. Мулоқотга келгандик.

— Газетингизга Амир Темур муборак бўлсин!

— Ёрдам сўраб, илинж билан келдик...

Телефонлар тинимсиз жиринглайди. Почтачи қизимиз кунлик хат ва телеграммаларни олиб учинчи қаватга аранг кўтарилади. Уларнинг барчасида бугунги кунимизнинг нафаси — орзулар, интилишлар, ҳаяжону армоилар...

Дарҳақиқат, уч йил давомида газета шаклланиб, ўз қиёфасига эга бўлди, аниқроғи, одамларнинг қалбига тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Таҳририятга тез-тез қадам ранжида қиладиган отахоннинг гапида жон бор: Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қонун ва қарорлари дастлаб бизнинг газетада чоп этилади. Бундан ташқари муштарий Ўзбекистон, МДҲ мамлакатлари ва жаҳон ҳамжамияти ҳаётига оид турли воқеа-ҳодиса ва хабарлар билан ҳам ўз вақтида танишиш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, газетадан йирик олимлар, ҳуқуқшунослар, халқ хўжалиги ҳамма соҳаларининг етакчи мутахассислари чиқишлари, фан, адабиёт ва санъат оламининг ранг-баранг кўринишлари ўз инъикосини топади.

Мухтасар қилиб айтганда, муштарийни қизиқтирган бирор соҳа газета эътиборидан четда қолмайди. Тўғри, бозор иқтисодиёти жараёнини бардош билан бошидан ўтказаётган ўқувчиларимизга обуна баҳоси оғир туюлиши мумкин. Аслида халқ истеъмол молларининг ҳозирги баҳоси билан таққосланса, маънавий қадриятлар тикланаётганлиги, бу борада газетанинг беқиёс хизматлари ҳисобга олинса, обуна нархи у қадар юқори эмас.

Обуна баҳоси бу йил тубандагича белгиланди:

1 ойга — 1677 сўм
3 ойга — 5031 сўм
6 ойга — 10.062 сўм
12 ойга — 20.124 сўм.

Алалхусус, ҳозир газетхонга қоғоз нархининг «осмон»далиги-ю, нашр ҳаражатларининг мислсиз ошиб кетганлигини рўкач қилиб ўтиришнинг мавриди эмас. Уларга битта ширин каломимиз бор: «Халқ сўзи» Сизнинг газетангиз унга обуна бўлишни унутманг.

ТОЖИКИСТОН ХАБАРЛАРИ

ОЛМОНИЯЛИК САВОБТАЛАБЛАР

ОЛМОНИЯЛИК савобталаб кишилар фуқаро уруши туфайли қаттиқ жабрланган Ҳатлон вилояти мактаб ва болалар уйларидаги аҳвол билан танишдилар.

БУ САФАР Тожикистон Маориф вазирлиги ва Олмониядаги «Дойч Хильфсфонд» етим болаларга ёрдам бериш хазинаси ўртасида ўзаро шартнома имзоланган уюштирилди. Шартномага кўра олмониялик саҳоватпешалар Тожикистондаги етим болаларга ва болалар муассасаларига ёрдам беришади. Шу йилнинг ўзидаёқ бундайин ҳайрия ишларига 10 минг марка сарфланади.

Хорижлик савобталаблар ўз юртларида Тожикистон тарихи ҳақида безакли китоб чиқаришни режалаштиришди. Бу китоб савдосидан тушган маблағнинг ҳаммаси Тожикистонлик ўқувчилар учун ўқув қуроллари сотиб олишга, жумҳуриятдаги вайрон этилган мактаб ва болалар уйларини тиклашга сарфланади.

Маориф вазирлиги Араб дунёси институти Президенти ва истеъдодли болалар жаҳон кенгаши раисига таълим соҳасида ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида хатлар юборди.

УЛФАТЛАР ҲИММАТИ ҲУЖАНД туманининг Исписор қишлоғида ўтказилган суннат тўйида ўн нафар етим ва ночор боланинг кўли ҳалолланди.

ТЎЙНИ ўтказиш режаси савобталаб беш оғайнининг ташаббуси билан туғилди. Улар ҳозирги иқтисодий бўҳрон даврида қўли қисқалик қилаётган оилаларни қидириб топиб, ўзларининг эзгу ниятларини айтишди.

Улфатлар бошлаган тўй бутун қишлоқнинг улкан маъракасига айланиб кетди. Исписордаги жамоа хўжалиги турли савдо ташкилотлари тўйболаларга ўзларининг совғаларини топширишди. Ҳайрия сандиғига тушган пул 700 минг рублга етди. Ўн боланинг ҳар бирига ҳисоб дафтарчаси очилиб, 70 минг рублдан ўтказилди. Улар бу пулни 18 ёшга тўлганларида оладилар. Унгача, албатта, ҳар йили туғиладиган фоиз ҳисобига дафтарчалардаги маблағлар кўпайиб боради.

Айтгандай, олийҳиммат улфатлар агар болалар рози бўлишса, улар улғайишгач ўйлантириб қўйишни, никоҳ тўйларини ўтказишни ҳам ўз зиммаларига олишди.

Ўринбой УСМОН,
«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

ЭНГ АРЗОН НАРХДА

"Тошкент" мухандислик маркази **"БОДРОҚ" (POPCORN)** жўҳори қовургич аппаратини таклиф этади.

Фақат бизнинг аппаратларга қилган харажатларингизни 1-2 ойда чиқариб оласиз.

Телефонлар: *50-03-85, 50-05-90.*

Маизилимиз: *Тошкент, Фарҳод кўчаси, 10-а уй. (Жанубий вокзал олдида, "Гипролес" лойиҳа институти).*

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ, (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пирмақул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Сандоҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ: 70000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Т. Долиев; навбатчи — Ғ. Эшмуродов.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001. Буюртма Г — 599. 93616 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2. Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди 20.45.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6